

Ёши катта инсонларни эъозлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш, гамхўрлик қилиш азалий қадриятларимиздан биридир. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қарияларни қадрлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топади.



У танишларидан олган қарзлари эвазига давлат донидан бера бошлади. Жумладан, Аббосдан олган қарзлари эвазига 40 тонна, Давронга эса 6 тонна бугдойни ноқонуний равишда бериб юборди. Бундан ташқари, номаълум шахсларга 22 тонна, ўз лаборантларига яна 5 тонна бугдойни ҳеч қандай ҳужжатсиз сотиб юборди.



Mustaqillik huquq demakdir

# Ўқидиқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 9-iyul, №27 (964)

Жорий йилнинг 29-30 июнь кунлари Қозоғистон Республикасининг Астана шаҳрида Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг экстремизм таҳдидларига қарши курашиш масалаларига бағишланган минтақавий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда 18 мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси, фуқаролик жамияти институтлари, хусусий сектор вакиллари, БМТ, ЕИ, МДХ, ЕХҲТ, ШҲТ, КХШТ экспертлари иштирок этди.

## Халқаро анжуман

Илхом АЧИЛОВ,  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Анжуманда тингланган маърузаларда ва музокараларда БМТнинг Марказий Осиёда терроризмга қарши курашиш ялпи стратегиясидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган 2011 йилги ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлар режасида баён этилган мақсадларни рўйбга чиқариш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Анжуман иштирокчилари томонидан бу борада эришилган натижалар билан бир қаторда, давлатлар ўртасидаги кўп томонлама саъй-ҳаракатлари бундан буён ҳам давом эттириш лозимлиги, бу ўз навбатида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари учун фойдали бўлиши таъкидланди. Хусусан, 2011 йилги ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлар режасининг терроризм ва экстремизм таҳдидининг тарқалишига имкон яратувчи шароитларни бартараф этишга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига амал қилишга доир бандлари салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этгани таъкидланди. Айниқса, бу жараёнда ёшларни ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, экстремизм таҳдидига қарши тарғибот ишларини янада жадаллаштириш каби масалалар муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратилди.

Анжуман қатнашчилари жаҳондаги динларнинг тинчликсеварлик моҳиятини қайд этган ҳолда Марказий ва Жанубий Осиёда экстремизм таҳдидига қарши саъй-ҳаракатлар бўйича миллий ва минтақавий чора-тадбирларни такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни илгари сурдилар.

Зарур норматив-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашишнинг самарали механизми ҳисобланади. Мамлакатимизда экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларнинг мустақам ҳуқуқий асослари яратилган. "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунлар, Жиноят кодексини шулар жумласидандир.

Шунингдек, анжуман доирасида ташкил этилган давра суҳбатларида экстремизм таҳдидини бартараф этишда хотин-қизлар, ёшлар, фуқаролик жамияти институтлари ва диний ташкилотлар вакилларининг ҳамда хусусий сектор кўмагининг роли, интернетдаги ижтимоий тармоқларда бундай таҳдидга қарши қаратилган тарғиботни ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашинди.



## Ёз ўтмоқда соз

Айни кунларда мамлакатимизда болаларнинг ёзги таътилни мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун бир қатор ихтисослаштирилган кундузги оромгоҳлар фаолият юритмоқда.

Ўғил-қизларнинг сеvimли масканига айланиб улгурган ушбу оромгоҳларда ҳар мавсумда ўқувчи ўғил-қизлар мароқли хордик чиқармоқдалар.

Бундай оромгоҳларда ўқувчиларнинг дам олиб, билим ва маънавиятини бойитиши ҳамда спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. Жойлардаги кундузги оромгоҳларда таҳрибали тарбиячи ва етакчилар, чет тили ўқитувчилари, тўғарак раҳбарлари, болалар шифокори, ҳамшира ва кутубхоначилар фаолият олиб бориб, ёшларимизнинг мароқли дам олишларида муносиб ёрдам бераётир.

Айниқса, улардаги кутубхона, сув ҳавзаси, спорт заллари, стол тенниси ва бошқа спорт майдончалари болаларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Мунтазам ўтказилаётган "Соғ танда соғлом ақл", "Спорт — соғлик гарови", "Ким эпчилу ким чаққон?", "Китоблар — дўстлик оламига етаклар" мавзусидаги тадбирлар, турли спорт мусобақалари, лойиҳалар болаларда катта таассурот қолдирмоқда.



Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ҳоқимлигида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар оламида турган айрим муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш масалаларига бағишланган учрашув ўтказилди.

## Очиқ мулоқот

Шаҳар ва туман прокуратуралари ходимлари, ҳоқимликлар мутасаддилари, солиқ, бохжона, ички ишлар, архитектура, иқтисодиёт идоралари, банк муассасалари раҳбарлари, тадбиркорлар иштирок этган учрашувда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратиллаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлида-

ги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Фармонга мувофиқ прокуратура идораларидаги "Ишонч телефони" хизмати янада такомиллаштирилиши тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг асоссиз аралашувиغا барҳам беришга хизмат қилади.

Учрашувда тадбиркорларнинг саволларига мутасадди идоралар вакиллари томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

## Ярмарка якунига бағишланди

Пойтахтимизда VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси якунарига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 19-21 май кунлари бўлиб ўтган VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг юздан зиёд илмий ва таълим муассасалари, илмий-тадқиқот ва таҳриба-конструкторлик ташкилотлари, ихтирочилар ва хусусий корхоналар томонидан тақдим этилган 600 дан ортиқ илмий-амалий ишланманинг 400 га яқини илк бор намойиш этилди.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг илмий тадқиқот фаолиятига эътибор бериллаётгани ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларининг "Ақли уй" ва "Ақли кўёш панеллари", Тошкентдаги Турин политехника институти талабаларининг электромобиль ва роботтехника соҳасидаги ишланмалари, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг "Картошка экиш учун тулроқни қайта тайёрлаш комбинацияланган ускунаси" сингари ишланмалари ёшларимизнинг салоҳиятини кўрсатиб берди.

Таъкидлаш жоизки, ярмарка доирасида биринчи мартаба Тошкент халқаро инновацион форуми ўтказилди, унда АКШ, Германия, Италия, Франция, Япония, Греция, Польша, Россия каби давлатлар, қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровли бунёдкорлик натижасида шаҳар-у қишлоқларимиз қиёфаси тубдан янгиланди. Кўрimsиз, пастқам иморатлар ўрнига балан, сервизор, кўзни қувватлаган бинолар барпо этилди. Айниқса, Урганч шаҳридаги янгиланишлар нафақат хоразмликларни, балки бу ерга ташриф буюраётган меҳмонларни ҳам ҳайратга солмоқда.

## Ўз манфаатини кўзлаб...

Музаффар ЗАРИПОВ,  
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдამчиси

Шовот канали бўйининг ободонлаштирилиши, каналда транспорт қатновининг йўлга қўйилиши чинакам янгилик бўлди. Ал-Хоразмий кўчасидаги бетакор иморатлар, йўл бўйидаги ранго-ранг гуллар, обод йўлақлар диққатни тортади.

Бугунги кунда барпо этилган кўп қаватли уйларда эса шаҳарликлар бахтли турмуш кечирмоқдалар. Уйларнинг биринчи қаватида савдо ва маъшият кўрсатиш шохобчалари, овқатланиш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилганлиги аҳоли учун яна бир қулайлик бўлди. Бу каби шарт-шароитлар эвазига кўча ҳар доим гавҳум.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Давлатимиз томонидан халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган бунёдкорликлар мазмун-моҳиятини ҳамма ҳам тўлиқ англаб етатиштими? Айниқса, ушбу бунёдкорликларга маъсул бўлган қурилиш ташкилотлари раҳбарлари-чи? Афсуски, таҳлиллар "йўқ" дея жавоб беришга ундамоқда.

2011 йилдан буён "Қурилиш Сервис" шўба корхонасига раҳбарлик қилиб келган Эрназар Мамадов (ташкilot номи ва исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундайлардан бири.

Ал-Хоразмий ва А.Баҳоидирхон кўчалари чорраҳасидаги қурилиш ушбу шўба корхонага насиб қилди. Бошқа иморатларни бунёд этган қурувчилар Урганчнинг ободлигига ҳисса қўшиш, тарих саҳифаларига муҳрланаётган оламшумул қурилишда иштирок этиш бахти насиб этганидан хурсанд бўлган ҳолда қурилиш ишларини олиб борган бир пайтда, Эрназар Мамадов нафсига эрк берди. Узининг шахсий манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўйди.

2011 йилда "Асакабанк"нинг Хоразм филиалига 4-5 қаватли турар жой қурилишини молиялаштириш вазифаси юклатилади. Э.Мамадов раҳбарлигидаги "Қурилиш Сервис" эса бош пудратчи этиб тайинланади. Ушбу ташкilotнинг қурилиш ишларини сифатли бажариш учун имкониятлари етарли эди. Бироқ Э.Мамадов фарз мақсадларни кўзлади.

У 2011 йил июндан 2013 йилнинг май ойи охирига қадар 77-уйда 4-5 қаватли турар жой қурилишини амалга ошириш учун жами 13 млрд. 500 млн. сўмлик 6 та қўшимча шартнома тузишга муваффақ бўлди. Э.Мамадов ишга киришди ва 2013 йил 28 июнь кuni қурилган объектни топширишмоқчи бўлади. У аслида 9 млрд. 537 млн. 932 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарган бўлса-да, тегишли ҳужжатларни сохталаштириб, эвазига буюртмачидан 10 млрд. 962 млн. сўм олади. Оқибатда ўзганин 1 млрд. 424 млн. сўмдан ортик пулини ўзлаштириб, талон-торож қилади.

Шунингдек, шўба корхона 2014 йил 11 августда 92 млн. 367 минг сўмлик қурилиш ишларини сифатсиз бажаргани туфайли уларни бартараф қилиш ҳақида оғохлантириш хати олади. Бироқ, Э.Мамадов бунга парво ҳам қилмайди ва сифатсиз қурилишларни бартараф қилиш юзасидан ҳеч қандай чора кўрмайди.

Э.Мамадовнинг бу каби қилмишлари қонун ҳимоячилари томонидан фoш этилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар халқ манфаатини кўзлайди. Улардан ўз нафси йўлида фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундай ният қилганларни эса Э.Мамадовнинг қисмати кутади.

Эс-ҳуши жойида, ақли бутун инсоннинг нима тўғри-ю, нима нотўғри эканини англаши учун неча йил керак бўлади? Ўн, йигирма, балки ўттиз э қирқ йилдир? Аслида инсон ёшлик фаслини тарк этаётганида анчайин мулоҳазали бўлиб қолади, ҳаёт ҳақида маълум тажрибаларга эга бўлади. Бироқ умрининг салкам олтинчилик довоғига яқинлашиб қолган кишининг қилмиши ошкор бўлганда, "Бу ишим жиноят, қонунга хилоф эканини билмабман", дейишга ҳаққи бормикан?

Чуст туманидаги қишлоқлардан бирида яшовчи Мўминжон Сотволдиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қарийб ўнлаб йиллар давомида уйда ноконуний равишда қурол сақлаб келган экан. "Уни отамдан қолган эски уйни бузаётганимда топиб олдим", деди у судга қилмишига изоҳ берааркан. "Бу қуролни хатто аёлимга ҳам кўрсатмай, беркитиб қўйдим. Раҳматли отам биз болалик пайтларимизда баъзан овга чиқиб турарди. Лекин мен ундан фойдаланмадим. Қуролнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқ, уни сақлашим қонунга зид эканини билмаганим..."

Қурол ўз номи билан қурол. Тинч ва осмонли мусаффо мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, тегишли рухсатномасиз қурол сақлаш ва олиб

## Разилликка юз тутганлар

Беширик туманида яшовчи Дурдона Мирзаева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бекорчиликдан безор бўлиб, кўқонлик дугонаси Мафтунадан бирор иш топиб беришини илтимос қилди.

— Сиз шаҳара яшасиз, ҳар ҳола иш топиш осонроқ. Ёрдам берсангиз, яхшилангизни ерда қолдирмайман, — деди у.

Ушбу суҳбатдан сўнг кўп ўтмай, яъни жорий йилнинг февраль ойи бошларида Мафтуна Дурдонага қўнғор қилди. — Жамила деган оспаноҳим орқали иш топдим. Фақат бу ердан эмас, Туркиядан. Савдо дўконига келган аёлларга турли ўлчамдаги кийимларни кийиб кўрсатиб, реклама қиласиз. Ойлиги ҳам яхшигина. Қўқонга келсангиз, опанинг ўзи билан ҳам гаплашиб оласиз.

Шундан кейин Дурдона Жамила Раҳматованин Қўқон шаҳар Муқимий шаҳарчасидаги хонадонига етиб борди.

— Мафтуна ҳаммасини айтмабди сизга, — дея муғомбирона гап бошлади Ж.Раҳматова салом-алиқдан

сўнг. — Кийим-кечакларни реклама қилишдан ташқари ўзингиз хоҳлаганингизни танлаб қиясиз.

Албатта, чет элда ишлаб чиқарилган сўнгги модадаги кийимини қийиш қайси аёлга ёқмайди дейсиз?! Қолаверса, дурустгина маош ҳам ваъда қилишган бўлса! Хуллас, Дурдона Туркияга боришга рози бўлди. Ўша кунёк онаси Ширмоной опани ҳам кўндирди.

Ширмоной Юнусова қизига розилик беришга берди-ю, аммо кўнгли тинчимади. Дурдонага сездирмай, Мафтуна билан гаплашди. Ана шу пайтда Мафтунанинг виждони туртки бердими ёки онаси тенги аёлга раҳми келдими, ҳар ҳолда Ширмоной опага ростини гапирди. Яъни

Ўзгалар ишончига кириб, уларни алдаш орқали мўмай даромадга эга бўлаётган кимсалар, афсуски, орамизда ҳали ҳам учраб туради. "Ўзсаноатқуришимбанк" очик акциядорлик тижорат банки Бунёдкор филиали раҳбар ва ходимларидан иборат жиний гуруҳни бунга мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Филиал бошқарувчиси Олим Азизов, кредит бўлими бошлиғи ва кейинчалик етакчи мутахассис сифатида фаолият кўрсатган Иқбол Исмонов, жамғарма операциялари ва минибанклар сектори мудири Фарҳод Нишонов ва мазкур сектор сўнгги назорат ходими Қудрат Усмоновлар ўзаро жиний тил бириктириб, ўзганин мулқига кўз олайтиришди.

2013 йилнинг августда И.Исмонов таниши "Марказий газ ойл" МЧЖда таъсисчи-тадбиркор вазифасида ишловчи М.Расуловни банкка бошлаб келади ва бошқарувчи О.Азизовнинг хузурига олиб киради. Уларни илик қутиб олган О.Азизов салом-алиқдан сўнг мақсадга ўтиб, филиалда битта муаммо қилганини, яъни банк операцияларига пул етмасдан, режа бажарилмаганини айтади ҳамда М.Расуловдан "Хамкорбанк"даги ҳисоб рақамидан фойдаланишга 60 млн. сўм пулни филиалга ўтказиб туришини сўрайди. Бу маблағни икки кундан кейин қайтаришга ваъда ҳам беради. Бунинг эвазига эса кейинчалик банкнинг барча хизматларидан исталган пайтда фойдаланиши мумкинлигини ҳам қилиб ўтади.

Бошлиқнинг бундай ваъдаларига ишонган М.Расулов соддалик қилади. Сўралган маблағни уларнинг қўлига топширади. Бироқ орадан бир неча кун ўтганидан кейин ҳам пуллардан дарак бўлмайди. Энди М.Расулов "Ўзсаноатқуришимбанк"нинг Бунёдкор филиалига тез-тез қатнайдиغان бўлиб қолади. Бироқ ваъдаларни қуюқ қилган О.Азизов ҳар сафар иш жойида йўқ бўларди. Уали телефонга эса ўчирилган.

Нихоят, 2013 йилнинг сентябрь ойида "ваъдабоз" маблағни бир неча қисмга бўлиб қайтарди. Аммо шунда ҳам ҳаммасини эмас. Бошқарувчи унга яна 6 млн. 550 минг сўм бериши керак эди. Найрангбозлар М.Расуловни чўв тушириш учун яна бир ҳийлани ўйлаб топиди.

И.Исмонов М.Расулов билан учрашиб, раҳбари унинг ҳисоб рақамини "Хамкорбанк"дан "Ўзсаноатқуришимбанк" Бунёдкор филиалига ўтказса, қолган пулни тез-

## Пушаймонлик

Ҳикматулло РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
Наманган вилоят прокуратураси бўлими АМНБ  
терговчиси вазифасини бажарувчи

қуриш таққиланади. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан уюштирилган тадбир давомида унинг яшаш хонадонига 1931 йилда ишлаб чиқарилган, бир стволли ов милтиғи ноқонуний равишда сақланаётгани аниқланди.

Кўриниб турибдики, Мўминжон Сотволдиев бу хатти-ҳаракати билан жиноят содир этиб, фарзандлари эл қаторига қўшилиб қолган чоғда суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди.

Суд унинг содир этган жиноятдан чин кўнғилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, жазо тайинлади. У энг кам ойлик ўш ҳақнинг 10 баравари миқдориде жарима жазосига тортилди.

Ашъвий далил сифатида олинган қурол давлат эгаллигига ўтказилди.

Ойгул САИДОВА,  
Қўқон шаҳар прокуратурининг ёрдამчиси

Жамила ва унинг шериги Гулзода Қодировалар Дурдонани алдаб, фоҳишалик билан шуғулланиш учун жўнатмоқчи эканликларини айтиб қўйди. Онаизор эса бу ҳақда СВОЖДЛКК департаментининг Қўқон шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Мазкур ариза юзасидан олиб борилган тезкор ҳаракатлар туфайли Жамила Раҳматова ва Гулзода Қодировалар Дурдона Мирзаевани Қозғистон Республикасига, ундан Қирғизистоннинг Бишкек аэропорти орқали Туркиянинг Истамбул шаҳрига жўнатиш учун олиб кетишаётганда Ташкент шаҳрида ушланди.

Тергов-сурштирув жараёнларидан сўнг ушбу иш жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судида қурилиб, айбдорларнинг қилмишига яраша қонуний жазо тайинланди.

## Ўзгалар мулқига кўз олайтирганлар

Асатилло ИСМОЙЛОВ,  
СВОЖДЛКК департаментининг Андижон вилоят  
бошқармаси бўлими бошлиғи

роқ қайтариш имконияти мавжудлигини билдирди. Шунингдек, у банкдаги барча ҳизматлардан исталган пайтда, хоҳлаганча фойдаланиши мумкинлигини ҳам айтиб ўтди. Бу ҳақда ўйлаб юрган М.Расулов ноябрь ойлариде О.Азизовни "тўтиб олишга" муваффақ бўлди. У ҳам ходимларидан бирини қақртириб, унинг олдиде М.Расуловга катта-катта ваъдаларни берди. Августда бошланган ва атиги икки кунда қайтарилиши қутилган қарз ноябрғача қўзилиб кетди. Шундай бўлса ҳам жабрдийда ҳисоб рақамини бошқа банкдан фирибгарлар ишлаётган молия муассасасига ўтказишга рози бўлди. Бу билан у яна бир марта ниёти бузуқларнинг турғиға илинди.

2014 йилнинг 28 январиде ана ўша шахсий жамғармасидан пулларни олиш мақсадиде "Ўзсаноатқуришимбанк" Бунёдкор филиалига ташриф буюрган М.Расулов бундан бир hafta олдин унинг ҳисобидан розилигисиз 3 млн. 500 минг сўм олинганини аниқлади. У бу ҳақда тегишли идораларга мурожаат қилганидан сўнггина банк мутасаддилари оёғи қуйган товухдек юғуриб қолди. Дастлаб О.Азизов И.Исмонов ва Ф.Нишоновларни "чо-п" сифатида жўнатиб, 3 млн. 500 сўм пулни қайтарди. Кейин ана ўша у ярим миллион сўм розилиғи билан олингани тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекишни сўради. Бироқ...

Тергов чоғиде И.Исмоновнинг бошқа қинғирликлари ҳам фoш бўлиб қолди. Хусусан, у бир таниш фуқаро М.Долимовни ҳам 19 минг 700 АҚШ доллари ва 20 млн. 600 минг сўмга чўв туширгани аён бўлди. Ҳуқуқ-тартибот органларининг кўмағи билан фирибгарларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларига чек қўйилди.

"Ўзим ҳам, кўланкам майдон", деб ўйлаган бу кимсаларга суд томонидан тегишли жазо тайинланди. Шунингдек, жабранувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланди.

# Хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликлари қонун ҳимоясида



*Ер юзидаги мавжудотларнинг энг олийси инсондир. Гарчи ушбу фикрни қадим ўтмиш мутафаккирлари ҳам бот-бот таъкидлаган бўлсалар-да, фақатгина XX асрга келиб илм-фан аҳли инсон улуғ зот эканини тўла-тўқисан англаб етди. Бироқ бугун яхши биламизки, барча муаммолар марказида инсон туради, инсон муаммоси ҳал этилмас экан, бошқа муаммолар ҳам ўз ечимини топмайди. Демак, дунёда инсоннинг эркинлигини ҳар томонлама таъминлашга муҳим аҳамият бериб келинаётгани бежиз эмас. Гендер муаммоси ана шундай долзарб масалалардан биридир.*

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қабул қилинган қонунларимизда аёл ҳуқуқларига инсон ҳуқуқининг алоҳида ажралмас қисми сифатида қарала бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида: "Хотин-

қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар", дея эътироф этилиши мамлакатимизда аёллар жамиятнинг фаол аъзоси сифатида барча соҳаларда иштирок этишининг ҳуқуқий кафолати белгиланганидан далolat беради. Шунингдек, давлатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича умум-

эътироф этилган халқаро ҳужжатларга қўшилиши ҳам мамлакатимизда хотин-қизлар масаласига жиддий эътибор берилаётганини кўрсатади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Аёлларнинг жамиятдаги маъқеи ва ўрнини кўтариш бизнинг давлатчилигимизнинг устувор ва асосий

йўналишларидан бирига айланди".

Дарвоқе, мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини кафолатловчи мустақам ҳуқуқий асос яратилган. Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонуни, 1997 йил 30 августда "Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида"ги халқаро конвенциянинг ратификация қилиниши, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари фикримизнинг эркин далилидир.

Бошқарувнинг ўрта ва юқори поғоналарида раҳбарлик лавозимларида аёллар сонини кўпайтиришга эътибор берилаётгани уларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги маъқеи тобора юксалиб бораётганидан дарак беради.

Лутфия БОЗОРОВА,  
Қашқадарё вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси

Хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини қонун талаби асосида таъминлаш масаласи турли омилларга, жумладан, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик, умумий маданият, фуқаролик жамиятининг шаклланиш даражасига ҳам боғлиқ. Гендер муаммосини ҳал этиш учун давлат ва жамиятнинг биргаликдаги куч-гайрати талаб қилинади. Яъни, гендер тенглиги давлатнинг ҳимоя сиёсати ҳамда хотин-қизларнинг ташаббуси орқали амалга оширилиши мумкин. Бу эса келажакда сиёсий фаол, ҳуқуқий билимга эга, фуқаролик жамияти қуришга қамарбаста фаол аёллар сафини янада кенгайтириш имконини беради.

Ҳар бир жамиятнинг маъқеи унинг аёлларга бўлган муносабатига қараб баҳоланар экан, Юртбошимиз айтгандек: "Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демократи, олимазизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз".

## Сугурта соҳасидаги муносабатларнинг янги босқичи

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўлама ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда аҳоли хавфсизлиги, хусусан, йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган. Бунда айниқса, сугурта бозорини ривожлантириш, йўловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўзига акс эттирган ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Сугурта соҳасининг эътиборли жиҳати шуки, у миллий иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнида кўзда тутилмаган турли тасодифлардан зарар кўрувчиларни молиявий жиҳатдан ҳимоялаш вазифасини ўтайди.

Сугурта фаолиятини тартибга солиш бўйича мустақам қонунчилик тизими яратилган бўлиб, у доимий равишда такомиллаштирилиб борилаётган. Хусусан, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг алоҳида 52-боби, "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги, "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида"ги каби Ўзбекистон Республикаси Қонуни сугурта институтининг ҳуқуқий пойдеворини ташкил қилади. Ушбу қонунчилик ҳужжатларида давлатимиз томонидан сугурта хизматларининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, сугурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек, сугурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, шунингдек, корхона, ташкилот ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сугуртанинг иختиёрий ва мажбурий каби турлари амалиётга кенг татбиқ этилган. Бунда иختиёрий сугурта фуқаро ёки юридик шахснинг хоҳиширодами асосида амалга оширилса, мажбурий сугурта қонунда кўрсатилган шахслар томонидан амалга оширилади ҳамда мажбурий сугурта фуқароларнинг ижтимоий манфаатлари ва давлат манфаатларига доир сугурта объектларини ҳам қамраб олади.

Мамлакатимизда йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича ҳозирги кунга қадар сугурта ҳимояси 1993 йилда қабул қилинган "Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларнинг мажбурий шахсий давлат сугуртаси тўғрисида"ги Қонун билан таъминлаб келинмоқда эди. Бироқ мазкур қонуннинг алоҳида нормалари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермай қолди. Яъни мазкур соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган камчилик ва зиддиятларнинг мавжудлиги, йўловчи-

ларни мажбурий шахсий сугурта қилишнинг амалдаги тизими ташишда йўловчига етказилган зарар ўрнининг қоплашини кафолатлашни таъминлаётгани, шахар атрофига қатновчи темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчилари, шахар ичида қатновчи автомобиль транспорти йўловчилари ҳамда бир вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси доирасида қатновчи автомобиль транспорти йўловчилари учун 50 километр масофага мажбурий сугурта қўлланилмаслиги, шунга қўра, барча йўловчилар тўлиқ қамраб олинмагани шулар жумласидандир.

Жорий йил 26 майда "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, 27 май куни матбуотда расман эълон қилинди ва у расман эълон қилинган қонун эътиборан олти ой ўтгач, кучга кириши белгиланди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши бугунги кунда юзага келган камчиликларни бартараф этишга ва сугурта бозоридagi муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Қонуни ишлаб чиқиш жараёнида соҳага оид халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатларнинг бу борадаги қонунлари кенг таҳлил этилди. Мазкур соҳага оид хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, йўловчиларнинг манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун йўловчиларнинг мажбурий шахсий сугуртаси ўрнига, ташувчининг йўловчилар олдида фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиш механизми қўлланилмоқда. Шунингдек, АКШ, Европа Иттифоқининг деярли барча давлатлари, Канада, Япония ва бир қатор МДҲ давлатларида мазкур соҳага оид махсус қонун қабул қилин-

Саидқамол МУХТОРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Транспор  
прокуратураси бўлим прокурори

ган ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тизими жорий этилган.

Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилишни амалга ошириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларининг барча турлари орқали ташишни амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қоплашини кафолатлашдан иборатдир. "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Қонун 6 та боб, 26 моддадан иборат бўлиб, бир қатор муҳим ва асосий қоидаларни ўз ичига олади.

Биринчидан, қонуннинг муҳим жиҳати сифатида ташувчининг ҳуқуқий мақоми белгиланди. Унга қўра, ташувчи сифатида шахар йўловчи транспортда, темир йўл, ҳаво, дарё транспортда ва бошқа транспортларда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкини тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи ва унинг учун махсус рухсатномага ёки лицензияга эга бўлган юридик шахс белгиланди.

Иккинчидан, қонуннинг 18-моддасига асосан йўловчи, жабрланувчи ва наф олувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномаси шартлари тўғрисидаги ахборотни ҳамда сугурталовчи ҳақидаги зарур маълумотларни ташувчидан белули олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам қайд этилди.

# Мурожаатга эътиборсизлик кечирилмайди



**"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш прокуратура органлари ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Прокуратура органлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви, ҳўқўқни муҳўфаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ҳўқимликлар, корхона, муассаса ҳамда ташкилотлар томонидан мазкур қонун ижроси таъминлашни устидан назоратни амалга ошириш билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини бевосита кўриб чиқиш орқали қонун талаблари ва қондаларини амалда рўёбга чиқаради.**

Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг Конституция билан қафолатланган ҳўқўқлари ҳимўясига алоҳида эътибор берган ҳолда маҳаллий давлат ва бошқарув органлари, назорат-тектирив, ҳўқўқни муҳўфаза қилувчи ва ўзини ўзи бошқариш органларида мазкур қонун ижроси доимий равишда тектирилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳўлатлари юзасидан айбдорларга нисбатан қатий чоралар кўриб келинмоқда. Шундай бўлса-да, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда ҳамон масъулиятсизликка йўл қўйиш, қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқмаслик, асоссиз рад этиш ҳўлатлари учраб турибди. Хусусан, давлат бош-

қаруви органлари ва уларнинг кўйи тизимлари томонидан 115 та, назорат-тектирив органлари томонидан 8 та, ҳўқўқни муҳўфаза қилувчи органлар томонидан 24 та, маҳаллий ҳўқимликлар томонидан 31 та ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 21 та қонунбузилиши ҳўлатларига йўл қўйилган. Масалан, Статистика бошқармасининг инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими бошлиғи Т.Ҳайдаров, қишлоқ ҳўжалиги ва экология статистикаси бўлими бошлиғи Б.Сулаймонов, тадбиркорлик ва банк-молия статистикаси бўлими бошлиғи Ж.Улашевлар томонидан бошқармага келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқилиши ва натижаси ҳақида муаллифларга

жавоб хати берилиши таъминланмаган. Қонун талабларини бажармаган ушбу бўлим бошлиқлари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи О.Бобоев ҳам "Каттакўрғон давлат ўрмон ҳўжалиги" директори Н.Жуманов, "Каттакўрғон ёғ-мой" АЖ бошқаруви раиси А.Маҳмудов, Пайариқ туман ҳўқимлиги ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Миллий тикланиш демократик партиясидан сайланган депутатлик гуруҳи раҳбари Б.Шарофларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, натижаси бўйича ёзма жавоб хати юбормагани учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Қонуннинг 23-моддасида мурожаатни кўриб чиққан давлат органи мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, мурожаат юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор ёки бошқа ваколатли шахси, агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга рози бўлмаса, унинг устидан шикоят бериш тартибини тушуштириши шартлиги белгиланган. Бироқ Каттакўрғон шаҳар бош архитектори қонуннинг ушбу талабини била туриб, фуқаролар Ш.Тоиров, Б.Саматов ва П.Кари-

мовларнинг ер ажратиб бериш ҳақидаги мурожаатларига умуман жавоб хати бермаган. Унга нисбатан ҳам қонуний чоралар кўрилди.

"Каттакўрғонтумангаз" филиали бош муҳандиси Н.Пирматов эса "Қоракўлча" маҳалласида яшовчи Р.Санавева ва бошқаларнинг маҳаллага газ таъминоти тармоғини улаб бериш ҳақидаги аризаларига орадан икки ойдан ортиқ муддат ўтган бўлишига қарамасдан жавоб берилишини таъминламаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, Бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси Оқдарё туман бўлими ходимлари томонидан Лойиш шаҳарчасида яшовчи фуқаро Р.Насвалиеванинг шу йил январь ойининг пенсия пулларини Оқдарё туман почта алоқа тармоғи хабарчиси Э.Муминовдан ололмаётганлиги ҳақидаги аризаси ўз вақтида кўриб чиқилмаган ва муаллифга жавоб ҳам берилмаган. Аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкони яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида бошқарма бошлиғи номига тақдимнома киритилиб, бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси ходимларининг интизомий жавоб-

**Бахтиёр ИСОҚОВ,**  
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори

гарлик масаласи ҳал этилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган тектиришларда 2 та ноқонуний ҳўжат прокурор протестлари асосида бекор қилинди. Йўл қўйилган қонунбузилиши ҳўлатларини бартараф қилиш тўғрисида мутасадди идоралар раҳбарлари номига 60 та тақдимнома киритилди. 53 нафар мансабдор шахс маъмурий, 129 нафари интизомий жавобгарликка тортилиб, кўпол қонунбузилиши ҳўлати юзасидан 4 та жиноят иши кўзгатилиди ҳамда 12 нафар шахсининг бузилган ҳўқўқлари тикланди.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун фуқароларнинг ҳўқўқ ва эркинликларини ҳамда юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимўя қилишга, шунинг баробарида, давлат органларининг ушбу соҳадаги ишини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтаришга хизмат қилади. Бу масъулият жиҳаёнда вилоят прокуратураси органлари томонидан қонунийликни таъминлашнинг барча чоралари кўрилади.

## Кексаларни эъзозлаш бурчимиздир

**Ёши катта инсонларни эъзозлаш, уларга ҳўрмат, кўрсатиш, гамхўрлик қилиш азалий қадриятларимиздан биридир. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришган, қарияларни қадрлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топади. Бугунги кунда пенсионерлар, ёлғиз ва ногирон кексалар ижтимоий ҳимўя билан тўла қамраб олинган бўлиб, уларга ҳар томонлама ҳўқўқий, ижтимоий, моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда.**

Республика Президенти томонидан 2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилиниши ва ушбу йўналишда Давлат дастурининг қабул қилиниши кекса авлод вакилларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни янада юксак поғнага кўтарди. Дарҳақиқат, жамият раванкига ўз меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшиб, эндиликда кексалик гаштини суриш бахтига мушарраф бўлган отахон у онахонларимизга ҳар қанча эҳтиром кўрсатсак, шунча кам. Уларнинг ҳар бирининг ҳаёти улкан ибрат мактабидир. Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, бизнинг бу инсонларга муносабатимиз жамиятимизнинг маънавиятини белгилувчи мезонлардандир.

Прокуратура органлари томонидан ҳам кексаларни эъзозлаш, уларнинг муносиб турмуш кечиришларини таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар белгиланиб, амалга ошириб келинмоқда. Ёши улў инсонларнинг ҳўқўқ ва манфаатлари тўла ҳимўя қилинмоқда.

Мамлакатимизда ёши катта инсонларга муносабат ҳақида гапирганда, шубҳасиз, Конституцияимизнинг 66-моддасини тилга олиш ўринлидир. "Воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар", дейилади ушбу моддада. Бош Қонунимизда бундай меъёрнинг

белгиланиши ҳаёт заҳматларини чекиб, ўз фарзандларини тарбиялаган ота-оналарга кексайганда улардан меҳр-оқибат кўришининг қафолатидир. Аслида бизнинг менталитетимизда ота-оналар фарзандларидан кўп нарса кутмайди, ўзидан тинчсиз бас, деб ҳисоблайди. Уларга бир оғиз ширин сўз кифоя. Афсуски, ораמידда ана шу ширин сўзни ҳам кизганадиганлар, аксинча, ота-онасини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қиладиганлар, иккитагина нон келтириб, уларни хурсанд қилиш ўрнига, пул талаб этадиганлар ҳам топилади. Қонунчилигимизда воёга етган фарзанд меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-онага таъминот бериши ва улар тўғрисида гамхўрлик кўрсатиши шартлиги акс этгани бундай ноқобил фарзандларни хушёрликка чорлаб, ўз мажбуриятлари хусусида ўйлашга ундаши шубҳасиз.

Бизда "кўша қариш" деган тушунча бор. Ёшлар оила кураётганда, шубҳасиз, "Кўша қариш бахти насиб қилсин", деган тилак билдирилади. Дарҳақиқат, кўпни кўрган инсонлар қариганда ёлғиз қолиш машаққат эканлигини бежиз таъкидламайдилар. Тўғри, давлат, жамоатчилик, маҳалла ёлғиз кексаларга гамхўрлик кўрсатади. Бироқ, буларнинг барчаси яқинларнинг меҳри ўрнини боса олмайд.

Янгиариқлик Ж.Отабоев кўп ишлар давлат корхоналарида меҳнат қилган, ҳозирда қариллик нафақаси-

да. 2002 йилда турмуш ўртоғи вафот этган, ўғли Х.Отабоев билан бирга яшаб келган. 2004 йилда ўғлини уйлантирган. Турмуш қургач, ўғли отасини ташлаб, оиласи билан Россия давлатига ишлаш учун кетади. Отасидан хабар олмайд, моддий ва руҳий кўмак бермайди. Чет элдан қайтганда ҳам отага гамхўрлик қилиш ўрнига доимий равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, жанжал чиқариб, падарини ҳақорат қилиб, тинчини бузиб келган. Бундай қилмишлари учун Х.Отабоев маъмурий жавобгарликка тортилган. Аммо тегишли хулоса чиқармаган. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Суд Х.Отабоевдан Оила кодексига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдориде алимент ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Халқимизга хос бўлмаган бундай меҳрсизлик оз бўлса-да учраб туради. Бундай ҳўлатларга бутунлай барҳам бериш учун маҳалла-кўй бирлигида қўни-қўшиндан хабар олиб, ёш авлодга ибрат намунаси кўрсатиб, уларни меҳр-оқибатли инсонлар қилиб тарбиялашимиз шарт ва зарурдир.

Туман прокуратураси томонидан бу каби кўнгилсизликларга барҳам бериш, уларнинг олдини олиш мақсадида тарбиябот, тушуштириш ишлари олиб борилмоқда. Кексалар билан сўхбатлар уюштирилмоқда. Уларнинг ҳар бир мурожаати эътиборга олинди, муаммоларнинг қонуний ҳал қилиниши таъминланмоқда.

Жумладан, "Янгиобод" маҳалласида яшовчи Қ.Бобононов ўз аризасида касб касаллигига қалинганлиги тўғрисида етказилган зарар "Янгиариқ МТП" МЧЖ томонидан тўлиқ

**Марсел АСХАДУЛЛИН,**  
Янгиариқ туман прокурори

ва ўз вақтида тўланмаётганидан норози эканлигини билдирган. Туман прокуратураси томонидан ушбу ариза ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, Қ.Бобононов меҳнат фаолияти давомида олган жароҳати натижасида касбий меҳнат қобилиятини 70 фоиз йўқотган. Хива туман тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг 1997 йил 14 октябрдаги хулосасига асосан, унга умрбод иккинчи гуруҳ ногиронлиги белгиланган. Тўғри, "Янгиариқ МТП" МЧЖ Қ.Бобононовнинг соғлиғига зиён етказганлик учун ўзининг моддий жавобгарлигини тан олиб, зарар тўловларини амалга ошириб келган. Бироқ, бу тўловлар Меҳнат кодекси талаблари даражасида эмас. Яъни унда иш беворчи ходимга етказилган зарарини тўлиқ ҳажмда қоплаш лозимлиги қайд этилган.

Янгиариқ туман прокуратураси бу масала юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Богот туман судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Суд аризани қаноатландирди ва "Янгиариқ МТП" МЧЖдан Қ.Бобононов фойдасига 9 млн. 72 минг сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари эъзозланади, қадрланади ва қонуний ҳимўя қилинади. Айниқса, кекса авлод вакилларига гамхўрлик қилиш ҳар биримиз учун муқаддас бурчдир. Буни фақат қонун талаб қилганлиги учунгина эмас, чин кўнгилдан амалга оширсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

# Шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик

**Шартномага асосланган мажбуриятлар бузилганлиги учун тегишли ҳуқуқий чораларни қўллаш фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг шаклларида биридир. Барча ҳуқуқий чоралар мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга, ҳуқуқбузарлик содир этилгунга қадар бўлган мажбуриятларни бажартиришга қаратилмади.**

Салбий мулкӣ оқиба-батлар вужудга келиши натижасида қўлланиши зарур бўлган ҳуқуқий жавобгарликнинг шакллари (зарарни қоплаш, неустойкани ундириш) қўллашда шартномага асосланган ҳуқуқбузарлик таркибининг тўла мавжуд бўлиши, мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида зарарнинг вужудга келиши, зарар мавжуд бўлган тақдирда ҳам кредиторнинг зарарни қоплаш ҳақида талаб қўйиши ёки қўймаслигига боғлиқ. Борди-ю, зарар мавжуд бўлса ва уни ундириш ҳақида талаб (даъво) қўзғатилса, жавобгарликни қўллаш учун ҳуқуқбузарлик таркибининг барча элементлари юзга келганлигини исботлаш талаб қилинади.

Маълумки, шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликнинг иккита асосий шакли мавжуд: булар зарарни қоплаш ва неустойка (пеня, жарима)дир. Бу шаклларнинг қўлланиши умумий шартномавий ҳуқуқ нормаларида назарда тутилди.

Зарарни қоплаш ва неустойка ундириш мулкӣ жавобгарлик шакли бўлганлиги учун ўзига хос хусусиятларга эга. Гарчи зарарни қоплаш жавобгарлик чораси (шакли) сифатида қонунда назарда тутилса ҳам унинг миқдори қонунда буйича етказилган зарар миқдорига боғлиқ равишда ҳисоблаб чиқарилади ҳамда у исботланган бўлиши лозим. Демак, зарарнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини исботлаш вазифаси зарар қўрган шахснинг, яъни кредиторнинг зиммасига юклатилади. Ҳуқуқбузарликнинг у ёки бу шакли учун қўлланиладиган неустойка ва уларнинг миқдори ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун ва шартномада назарда тутилди. Зарарларни қоплаш учун умумий даъво муддати амал қилади.

Зарарларни қоплаш учун жавобгарлик асосларининг тўлиқ таркиби мавжуд бўлиши лозим. Булар етказилган зарар, гайриҳуқуқий хатти-ҳаракат, гайриҳуқуқий хатти-ҳаракат билан зарар ўртасидаги ёки сабабий боғлиқлиги, зарар етказувчининг айбидан иборат. Неустойка эса бундай таркиб мавжуд бўлмаганда ҳам ундирилиши мумкин. Неустойкани ундириб олишда етказилган зарар ва сабабий боғлиқлиги борлигини исботлаш талаб этилмайди. Гайриҳуқуқий хатти-ҳаракат ва қардорнинг айби неустойкани ундириш учун етарлидир.

Неустойкани ундириш учун фақат қардорнинг ўз мажбуриятини бажармаганлиги кўрсатилса kifoya ва бундай мажбуриятнинг бажарилмаслиги натижасида етказилган моддий зарар миқдорини исботлаш талаб қилинмайди.

Шартномавий муносабатларда қўлланиладиган мулкӣ санкцияларнинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини оширишнинг асосий омил, фикримизча, неустойкани тўлаш ва зарарларни қоплашнинг манбаларини аниқ билиб олишдир.

Мажбуриятнинг бажарилиш даражасига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг барча шакллари биргаликда ёки улардан биронтасини қўллаш юридик адабиётларда санкция қўлланиш деб юритилади.

Санкция ҳам, жавобгарлик ҳам фуқаролик ҳуқуқий чорадир. Уларнинг асосий максаси — мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат.

Мажбурият бажарилмаганлиги тўғрисида қардорга нисбатан санкция қўлланилиши ёки қўлланилмаганидан қатъи назар, уни зарар қўрмайди деб бўлмайди. Пул билан боғлиқ мажбуриятларда санкциялар ва унинг қўлланилиши мулкӣ ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан

боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг муҳим шаклидир. Қардор мажбуриятни бажармасдан ёки лозим даражада бажармасдан ниманидир асраб қолди, мажбурлов остида бажариб эса "ҳеч нарса йўқотмайди", деб тахмин қилиш тўғри келмайди. Айтайлик, сифатсиз маҳсулот етказиб берган томон бирон нарса ни тежаб иқтисод қилиб қололмайди. Аксинча, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва жўнатиш учун харажат қилади, аммо булар учун ҳақ ололмайди. Бундай тарф чиқарган сифатсиз маҳсулотни қайтадан ишлаб чиқаришга ёки уни тузатиб беришга мажбур қилинса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи бундан ҳам кўпроқ мулкӣ зарар қўради. Сифатсиз товарни сифатли товарга алмаштириш ёки унинг нуқсонларини тузатиб бериши талаб қилиш қардорга нисбатан санкцияни қўллашдан иборат.

Бунга ўхшаш санкцияларни бошқа шартнома мажбуриятлари ҳамда ҳам қўллаш мумкин. Масалан, ўзи амалга оширган ишдаги нуқсонларни тугатиш бошқа шартнома мажбуриятлари ҳамда ҳам қўллаш мумкин. Мисол учун аввалдан пул суммасини ўтказиб қўйишни талаб қилиш ва шунга ўхшаш талаблар жавобгарга нисбатан санкция қўллашдан иборат. Бундай чоралар, яъни санкциялар мажбуриятларнинг етарли даражада бажарилишини таъминлашга қаратилди.

Шундай қилиб, мажбурлов чоралари, гарчи улар фақат мажбуриятларнинг бажарилишига қаратилган бўлса-да, барибир фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чораларидир. Бизнингча, бундай чоралар биринчи навбатда жавобгарлик чоралари сифатида тан олинishi лозим. Чунки биринчидан, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик институтининг асосий максаси мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлашдан иборат. Иккинчидан, қонунга биноан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг санаб ўтилган барча чоралари, яъни қўлла-

ниладиган санкциялар бир вақтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шаклларида иборат. Шундай экан, тегишли санкциялар ва чоралар қўллаш йўли билан мажбуриятларни бажаришга мажбур қилиш фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик эканлигидан дарак беради.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик санкция тушунчасига қараганда кенгрок маънога эга. Турли санкцияларни қўллаш орқали фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик амалга оширилади. Мажбуриятларни бузганлик учун санкцияларни қўллаш ва шу йўл билан бузилган ҳуқуқларнинг муҳофазасини амалга ошириш фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликдир.

Ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган барча таъсир чоралари, улар санкциялар ёки тежор характердаги чоралар деб аталанишдан қатъи назар, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликдир. Чунки улар мажбуриятларнинг тегишли тарзда ижро этилишини таъминлайди.

Санкциялар шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш ва бажарилмаганлиги учун белгиланиши мумкин. Улардан бошқа ҳужалик муносабатларида ҳам фойдаланилса бўлади. Афсуски, бу санкцияларнинг имкониятларидан жуда кам фойдаланилади, камдан-кам ҳоллардагина тарафларнинг келишувига мувофиқ бу чоралар шартномаларда назарда тутилди. Улар қишлоқ ҳўжалик корхоналари учун қатор афзалликларга эга.

Санкциялар қуйидаги жиҳатлари билан таъсирланади: — санкция буйича талаб даъво тартибидан ташқари ҳам қўлланилади;

— контрагент томонидан шартномавий мажбуриятларнинг бузилишига йўл қўйишга нисбатан бир томонлама, тўқсиз ва тежор равишда муносабат билдириш имкониятини беради;

— ҳуқуқбузарнинг баъзи ҳуқуқларини чеклаб қўяди ёки уни бу ҳуқуқлардан маҳрум этади ёхуд унинг зиммасига мулкӣ характерга эга бўлмаган қўшимча мажбуриятларни юклайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, санкциялар шартномага асо-

**Фуркат ШОДМАНОВ,**  
Бош прокуратуранинг  
ОЎК катта ўқитувчиси

сан юзга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида, жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг амалиётда такомиллаштирилиши ва тўғри қўлланилиши мажбуриятларнинг бекамикўст бажарилишини, ҳуқуқбузарга нисбатан тежор чора қўллаш ва шартномавий интизомни мустаҳкамлашга имконият яратиб беради.

Ҳозирги пайтда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари контракция шартномаси тузилганда юзга келган муносабатларда шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни қўллаш буйича қонунлар такомиллаштирилиб, уларни қўллаш амалиёти яхшиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари этиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг қабул қилиниши фуқаролик ҳуқуқий санкцияларни қўллаб контракция шартномаси бажарилиши самарадорлигини оширишнинг кенг имкониятларини очиб берди.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкӣ санкциялар ўрнини ошириш муҳим масала ҳисобланади. Бу ҳолат зарарни қоплаш ва неустойкани ундириш кўринишида бўлган аънанавий жавобгарлик чоралари ролини ошириши, суд амалиётида қонун билан белгиланган мулкӣ жавобгарлик таъминлини самарали ҳал қилиши, неустойкани қўллаш доирасини кенгайтиришни назарда тутди.

## Сугурта соҳасидаги муносабатларнинг янги босқичи

*/Давоми. Бошланги 3-бетда/*

Учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устуворлиги таъминлидан келиб чиқиб сугурталовчиларга нисбатан алоҳида талаблар белгиланган. Хусусан, сугурталовчи тегишли лицензияга эга бўлиши, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномасини тузишга, ташувчилар, жабранувчилар ва наф олувчиларнинг сугурта товон ҳақидаги талабларини кўриб чиқишга ҳамда сугурта товонини амалга оширишга ваколатли ўз филиалларига эга

бўлишлари лозим. Шунингдек, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилишни амалга оширишга ҳақи бўлган сугурталовчилар ўртасида сугурта шерикчилигини тузиш тўғрисида ёзма битим тузиш шарт. Ушбу талаб сугурта ҳодисаси содир бўлган ташувчи, йўловчи ва наф олувчиларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда сугурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Бу каби талаб амалдаги қонунчиликни транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий сугуртасини амалга оширувчи сугурталовчиларга қўйилган. Жумладан, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жа-

вобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, сугурталовчилар тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан ёзма битимлар тузишлари шарт.

Тўртинчидан, қонунда ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиш буйича мажбуриятни бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи давлат органлари ҳам белгилаб қўйилди. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё

транспорти агентлиги ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли давлатга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ушбу қонун фуқароларга етказилган зарар ўрни қоплашини кафолатлашдаги умумдавлат тизимини муҳим аҳамиятга эга ҳамда йўловчиларга етказилган зарар ўрнини қоплаш буйича харажатларни камайтириш йўли билан ташувчиларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди. Қолаверса, ушбу қонун янги иш ўринлари яратилишига, сугурта бозори ва транспорт инфратузилмасининг ривожланишига кўрсатилган хизмат сифатининг янада ошишига замин яратади.

# Ҳамқишлоғининг тўрига илиниб...

Кейинги йилларда олам савдоси туфайли юзгага келатган глобал хавф қанчаллик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда. Орадан йиллар ўтган сари олам савдосига қарши кураш дунёнинг барча мамлакатларида амалда бўлмасин, бу муаммо бизни ҳозирги кунда ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда.

Шу боис, бундай оғир жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар белгиланиб, улар

муваффақиятли амалга оширилади.

Шундай бўлса-да, айрим нопок шахслар белини оғиритмай мўмай даромад топиш илнжиди содда фуқароларимизни ўз тўрларига илинтириб, чет давлатларга олиб бориб, сотиб юбориш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Хусусан, ўтган йилнинг декабрь ойи охирида одамфурушликни касб қилган фуқаро Асилбек Абдусатторовнинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) қилмишига нисбатан суд ўз ҳукмини эълон қилди.

Бу кимса қозоғистонлик

"Андрей" исмли корейс миллатига мансуб шахс билан олдиндан жиноий тил бириктиради. Унга кўра, А.Абдусатторов ўзи яшайдиган Қўйичирчиқ туманидаги Қизана қишлоғидан бир неча нафар фуқарони қўшни республика ҳудудига олиб ўтиб, Андрейнинг қўлига топшириши лозим эди. Бунинг авазига ҳамқори Асилбекка яхшигина пул ҳам ваъда қилди. Мўмай пулнинг дарагини эшитган А.Абдусатторов дарҳол ўз қишлоғига келиб, чет элда ишлаш истагида бўлган ҳамқишлоқлари билан гаплашади. Уларга ойига 250 АҚШ

долларидан мош, текин овқат ҳамда турар жой ваъда қилиб, олти нафар маҳалладошини Қозоғистон Республикасига олиб чиқиб кетади.

Ишчиларни манзилга етказиб олиб боргач, Асилбек ўз улушини олиб, Ўзбекистонга қайтиб кетади. Андрей ишлаш учун келган ўзбекистонликларнинг паспортларини турли баҳоналар билан олиб қўяди ва уларни далада дехқончилик ушларига жалб қилади. Хуллас, жабранувчилар олти ой мобайнида Андрей томонидан мажбуран оғир шартларда далада ишлатила-

Фурқат ТАДЖИ-АГЛAEВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Қўйичирчиқ туман бўлими  
суриштирувчиси

ди. Ваъда қилинган маошдан эса дарак бўлмади. Шундан сўнг, жабранувчилар қочиб юртларига базўр этиб келадилар ва ўз ҳамқишлоқларининг қилмиши ҳақида тегишли жойга хабар берадилар.

Тергов жараёнида Асилбек Абдусатторов ўзи айбига иқрор бўлди. Суд унга нисбатан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, ҳукм чиқарди.

## Ишимиз қонуний бўлсин

Айдос РИСАНАРОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг Нукус  
шаҳар бўлими катта инспектори

Хуқуқимиз томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш, нақд пул тушуми банкка ўз вақтида тўлиқ топширилишини таъминлаш, савдо комплексларида, умумий овқатланиш корхоналари ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларида амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилиниши юзасидан қарорлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига қарамастан, айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан савдодан тушган нақд пул маблағларини назорат-касса машинасида ўтказмаслик ва ўз вақтида банкка топширмаслик ҳолатлари аниқланмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги СВОЖДЛҚК департаментининг Нукус шаҳар бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 август кунги "Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш, бундай турдаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилиб, жойларда тушуштириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Лекин кўрилатган чораларга қарамастан Нукус шаҳрида жойлашган "Сарсенби Нукус" МЧЖ мансабдор шахслари 2009-2013 йиллар ва 2014 йилнинг 1 августига қадар кирим ҳужжатларисиз 180272,1 млн сўмлик товарларни ноқонуний сотиб, савдодан тушган 11 млн. сўмдан ортиқ нақд пулларни назорат-касса машинасида ўтказмаганлиги ва банкка топширмаганлиги аниқланди.

Худди шунингдек, Нукус шаҳрида жойлашган "Нукус Шоҳжаҳон" МЧЖ мансабдор шахслари ҳам 2012 йилнинг 1 январидан 2014 йилнинг 1 август кунига қадар жамиятга кирим қилинмаган товарларни сотиб, савдодан тушган 201 млн. 750 минг сўм нақд пулни назорат-касса машинасида ўтказмасдан ҳамда банкка топширмасдан жуда кўп миқдорда савдо қоидаларини бузган.

Хар иккала ҳолат юзасидан департаментнинг Нукус шаҳар бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят қодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари кўзгатилиб, суд ҳукми билан айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

## Фирибгарнинг «корхонаси»

Кейинги йилларда одамлар ишончига кириб, уларнинг соддалигидан фойдаланиб, фирибгарлик жиноятини соғир этаётганлар ҳақида бот-бот гапирилаётган бўлиб қолади. Бундай фирибгарлар эса қилмишига яраша жазоланаётгани ҳам аниқ.

Арносай туман ҳокимлиги ҳузурдаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган "Мироқил Раҳмонкулов" хусусий корхонаси раҳбари Абилқосим ҳам охирини ўйламай пул топишининг осон йўлига ўтиб олди.

Бир кун у Озода Мамаримова билан танишиб қолди. Сўхбат мобайнида Озода гўзаллик салоини очиб ниятида юрганлигини айтган эди, пайтдан фойдаланган Абилқосим ишга киришди.

— Менинг хусусий фирмам бор. Шу корхонамда сартарошлик вазифасида ишласангиз ҳамма тўловлардан озод бўласиз, — деди.

Унинг таклифидан Озода бироз ўйлиниб қолди. Абилқосим эса яна аврашга тушди.

— Ҳар ойда корхонамга ўртача 65 минг сўм тўлаб турсангиз бўлди. Қолган солиқ ва бошқа тўловларни ўзим тўлайман. Ҳар қандай муаммолар бўлса ўзим ҳал қиламан.

Таклифга рози бўлган Озода у би-

лан тўрт йил давомида бирга ишлади. Шу давр мобайнида бирор марта ҳам иш ҳақи олмади. Аммо Абилқосимга ҳар ойда 65 минг сўмдан тўлашни қанда қилмади. Абилқосим эса ҳар гал "Бу пулларни банкка тўлайман", деб унга сохта қвитанцияларни бераверди. Шу йўл билан у Озоданинг жами 1 млн. 415 минг сўм пулни қўлга киритди.

"Қаловини топсанг қор ҳам ёнади", деганларидек, Абилқосим тер тўкмасдан пул топишининг йўлларини қидира бошлади.

Бир кун у яна бир "ўлжа" — фотосалончи Гулмиранинг олдида борди. Узини хусусий корхона раҳбари деб таништиргач, турли пуч ваъдалар билан уни ҳам тузоғига илинтирди. Гулмирага барча тўловлардан озод бўлиш авазига 100 минг сўмдан тўлаб туришни ваъда қилган эди, бу таклифга рози бўлган Гулмира у билан уч ой ишлади. Шу давр мобайнида 300 минг сўм пулни унга тутқазди. Абилқосим эса унга сохта қвитанцияларни ёзиб бераверди.

Ишлари "силлиқ" кетаётган Абилқосим "тadbиркорлик"ни янада кенгай-

тиришни ният қилди ва соддадил, ишонувчан одамларни қидиришга киришди. Унинг гапларига ишонганлардан яна бири Г.Ширинова ва Ф.Искандаровалар бўлди. Улар ҳам хусусий тadbиркор бўлиш мақсадида ҳамқор излаб юришганида Абилқосимга дуч келишди. Фирибгар эса Г.Шириновани ҳар ой 100 минг сўмдан, Ф.Искандаровани эса 120 минг сўмдан ўзининг корхонасига пул тўлаб туришга кўндирди. Шундай қилиб, Г.Шириновадан 888 минг сўм, Ф.Искандаровадан 340 минг сўм пулни қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборди.

Абилқосимга ҳаддан ортиқ ишонган тўрт нафар аёл ҳеч вақодан беҳабар ишлаб юраверди. "Кўза кунда синади" дейишганидек, туман ДСИ ходимлари томонидан текшириш ўтказилганида Абилқосимнинг барча қилмишлари ошқор бўлди.

Суд ҳукми билан Абилқосим Раҳмонкуловга тегишли жазо тайинланди. Дастлабки тергов жараёнида жабранувчиларга етказилган зарар ундириб берилди.

Тўлқин АБДУРАҲИМОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Арносай туман бўлими бошлиғи



Булунгурлик Шерзод Эргашев олдин ҳам қалбаки акциз маркаларни ўтказиш билан шугулланганлиги учун судланган эди. Ўшанда биринчи марта суланаётгани, ижобий тавсифланганлиги учун енгилроқ жазо қўлланган эди. Кейинроқ эса амнистия акти туфайли жазодан бутунлай озод этилди.

## Кўза кунда синади

Асроржон ЭЛМУРОДОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Булунгур туман бўлими бошлиғи

Орадан бир неча йил ўтиб, у ҳаммасини унутди. Уйда қалбаки ароқ тайёрлаб сотишни йўлга қўйди. Бир гал танишдан 350 дона қалбаки акциз маркасини сотиб олди. Уйига келиб ишни бошлаган ҳам эди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари унинг қилмишини фош этишди.

Шерзод Эргашевнинг уйи кўздан кеңирилганида, сотиш мақсадида сақлаб келинаётган 19 дона елим идишдаги этил спирти, 350 дона акциз маркаси, бир нечта бўш ароқ шишалари, этикеткалар ва турли маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Шерзод Эргашевга нисбатан жиноят иш қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

## Умумманфаати унутилса...

Нодир ПЎЛАТОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг Қармана туман  
бўлими инспектори вазифасини бажарувчи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилдаги қишлоқ жойларида уй-жойлар қурилиши юзасидан қарори қабул қилингандан сўнг замонавий тилдаги, барча шарт-шароитлари мавжуд намунавий лойиҳадаги уйлар қурилиши авж олди. Бу ўз навбатида аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришда, турмуш шароитини яхшилашда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Шаҳобиддин Эргашев ана шундай уй-жойлар қуриб, кўпчиликнинг эътиборига тушди. 2010 йилда рўйхатдан ўтган "Когонунверсалсервис" иختисослаштирилган таъмир-қурилиш корхонаси бошлиғи лавозимида ишлаш баробарида аста-секин тажриба орттирган Ш.Эргашев кўп ўтмай ўзига ишониб топширилган давлат мулкига ҳиёнат қила бошлади. Мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, давлат манфаатларига зийн етказди.

Чўночи, "Қишлоққурилишинвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси билан "Когон-унверсал сервис" ўртасида 2013 йил 9 апрель кунги Когон тумани "Денаваган" аҳоли пунктида қиймати 1 млрд. 274 млн. сўмлик 10 та уй-жой қуриш тўғрисида шартнома тузилгач, у енг шимариб ишга киришди.


У МЧЖ инжиниринг компанияси техник назоратчиси Ҳожиқул Ҳасанов билан тил бириктириб, 2013 йил 25 декабрда тузилган ҳисоб варақаси фактураларини сохталаштирди. 58 млн. 727 минг сўмлик бажарилмаган ишларни сохта маълумотлар ва ёзувлар асосида киритиб, шунингдек, корхона бош ҳисобчиси Ш.Нормуродовнинг имзосини қалбақиллаштириб, давлат маблағини талон-тороҳ қилди.

"Уддабурон" раҳбар чўнтагини қаппайтириш билан овора бўлиб, 36 млн. сўмдан ошқик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлгани ҳам аён бўлди.

Айбдорларга қонун олдида жазо беришга тўғри келди. Суд томонидан уларга нисбатан ҳуқуқий чоралар қўрилди.

# Илмий-назарий тадқиқотлар ва қонун ижодкорлиги

**Қонун ижодкорлигида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий принциплари, устувор йўналишлари, мақсад ва вазифалари ўз ифодасини топади.**



Юртбошимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисида "Қонунларни ижорачиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самардорлигини албатта ўрганиши ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритиши қўзда тутадиган меърий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш — бугунги кунда долзарб вазифага айланган шир даркор", деб таъкидлаган.

Шу нуқтаи назардан мамлакатда мавжуд бўлган, бошланғич ҳуқуқий вазиятни таҳлил қилиш, қонунчиликнинг ривожланишини башорат қилиш, ҳуқуқий ривожланишнинг истиқболли мақсадларини белгилаб бориш, шу мақсадларга мос келувчи ҳуқуқий воситаларни танлаб олиш, қонунчилик ислохотларини рўйбга чиқариш йўлларини аниқлаб олиш ҳаракатлари қонун ижодкорлигининг жорий ва истиқболга мўлжалланган режаларини пухта тайёрлашга шарт-шароит ва имконият яратиб беради.

Таъкидлаш лозимки, қонун ижодкорлиги ҳуқуқий ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида аҳолининг кундалик турмушига бевосита дахлдордир. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қай даражада ўз тасдигини топаётгани, ҳуқуқий ислохотлар аниқ ва равшан баён этилаётгани биринчи навбатда қонун ижодкорлигида ўз аксини топади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Қонунлар қабул қилиниши билан ҳаётимизда нима ўзгарди, улар тараққиётга, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига қандай таъсир кўрсатди", каби саволларга қонун ижодкорлиги жараёнида аниқ жавоблар топши зарур. Шунинг учун ҳам янги қабул қилинаётган ҳар бир қонун, қонунчилик ташаббусига эга бўлган ваколатли органнинг бу йўналишдаги ҳар қандай хатти-ҳаракатлари инсонга, жамиятга хизмат қилиши ва унинг манфаатларидан келиб чиқиши зарур.

Албатта, бу ўринда янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини ягона тизимга солиш, уларнинг мантқиқий боғлиқлигини таъминлаш ва ўзаро яхлитлигига эришиш муҳим.

Бу жараён қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги тақ-

лифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилиш, лойиҳа тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш, зарур материаллар ва ахборот тўплаш, лойиҳанинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хатини ишлаб чиқиш, қонун лойиҳасини тузиш, ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертиза ўтказиши ўз ичига олади.

Шу ўринда миллий қонунчиликнинг бир бутунлиги ва мантқиқий изчиллигини таъминлаш қонун ижодкорлигининг асосий хусусиятларидан бири эканлигини таъкидлаш лозим бўлади.

Қонун ижодкорлиги самардорлигининг даражасига сезиларли таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири бу йўналишда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиш, соҳавий фаолиятнинг пухта илмий-назарий асосларга эга бўлиши ҳамда тегишли назорат-таҳлил ишларининг натижаларидан омилкорлик билан фойдаланишга эришишдир.

Замонавий илм-фан ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланиш қонун ҳужжатларининг лойиҳасини тайёрлашда қонун ҳужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича қўланилиш амалиётини, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самардорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлаштиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, бундай ёндашув давлат органлари ва айрим фуқароларнинг тақлифлари, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсиялари, жамоатчилик фикрини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасидан самарали фойдаланишни назарда тулади.

Яна бир муҳим жиҳат қонунга амал қилиниши механизми бўлиб, у қонун ижодкорлиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасининг ўзига хос кўрсаткичидир. Одатда, қонунга амал қилиниши механизми тегишли қонуности ҳужжатларининг қабул қилинишига боғлиқ бўлади. Бирок, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар миқдорининг жуда кўпайиб кетиши ёки мураккаблашиб бориши нафақат фуқаро, балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун

ҳам муайян қийинчиликларни туғдириши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда имкон қадар қонуннинг ўзидан унга амал қилиниши механизмининг акс этишига эришилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд камчиликлар, айниқса, уларга амал қилиш билан боғлиқ нуқсонларни аниқлаш ҳамда уларни тизимли бартараф этиб бориш қонун ижодкорлигининг асосий вазифаларидан бири саналади.

Қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган камчиликларнинг вақтида бартараф этилишига, ҳуқуқий тартибга солиниши зарур ҳисобланган ижтимоий муносабатларнинг барчасини қонун ижодкорлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттиришининг мушкуллиги, қонунчилик техникасининг етарли шакланмаганлиги, ижтимоий муносабатларнинг изчиллик билан ривожланиб бориши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, мазкур соҳада юзага келаётган муаммоларни аниқлашда, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг даставвал миллий ўзига хосликдан келиб чиқиши, қонунларда мавжуд ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эмас, балки уларнинг келгусида шаклланиши учун шарт-шароит яратиб бераётган ҳолатлар, ёйинки режалаштирилаётган ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланишига ҳалақит беришининг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган чоралар ҳам акс этиши, қонун ҳужжатларининг таътиб этилиши учун зарур бўлган молиявий манбаларнинг етарли таъминланганлиги, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг илгари амалда бўлганларидан фарқли жиҳатлари аниқ ва равшан ўзидан ифода этилиши каби масалаларга эътибор бериш зарур бўлади.

Самарали қонун ижодкорлиги фаолияти, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини бевосита намоён бўлади. Амалиётнинг такомиллашуви учун қонунчиликда таққилошчи тавсифга эга бўлган нормалардан муайян даражада воз кечган ҳолда, тизимли равишда руҳлат этувчи нормаларни жорий қилиш, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонуннинг воситалардан унумли фойдаланиш ҳамда қонунга бўйсунганларни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўринда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг энг асосий вазифалари ва устувор йўналишларини белгилаб олишда ҳуқуқни қўловчи барча органлар фаолиятининг сифат ва самардорлигини муттасил ошириш, давлат ва жамият ҳамда фуқаро манфаатларини ҳимоя қилиш функцияларини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш асосий мезонлар сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун муайян ваколатларни бир орган ваколат доирасидан бошқасига ўтказишдан кўра, кўпроқ айнан ўша органларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ҳуқуқий воситаларни шакллантириш самарали ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай ҳуқуқни қўловчи орган муайян даврда мамлакат ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилган.

Қонун ижодкорлиги фаолиятида жамият тараққиёти ва мамлакат ҳуқуқ-тартибот тизими фаол салбий таъсир этувчи омиллардан бири ҳуқуқий нигилизмдир. Ҳуқуқий нигилизм — ўрнатилган тартиб-қоидаларни, ҳуқуқ ва қонун ҳужжатларини тан олмаслик, уларга риоя этмаслик ҳамда мазкур воситаларнинг ижтимоий манфаатларга хизмат қилишига ишончсизликнинг пайдо бўлиши билан ифодланади.

Ҳуқуқий нигилизм қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни била туриб бузиш, ҳуқуқий тартиб-қоидаларга бўйсунмаслик ва риоя этмаслик, бир-бирига зид бўлган нормаларнинг амалда бўлиши, инсон ҳуқуқларининг бузилишида ўз ифодасини топади.

Мазкур салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун, ҳуқуқий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш, қонун ҳужжатларини реал ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқиб қабул қилиш амалиётини ривожлантириш, қонун ҳужжатларининг ижрочиларга ва аҳолига самарали етказилишини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самардорлигини мунтазам ўрганиш, бунинг учун тегишли назорат-таҳлил ишларини такомиллаштириш, фуқароларни судга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларни кучайтириш зарур бўлади. Жумладан, қонун ҳужжатларини ижрочиликда ва аҳолига етказишда уларнинг "назорат" ҳолатида бўлиши таъминлаш, бу борада иختисослашган идоравий тармоқларнинг фаолият кўрсаттаётганлиги, қонунлар эълон қилинадиган расмий нашрларга обуна, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг давлат хизматчилари томонидан ўзлаштирилиши, идоравий сайтларда янги қонун ҳужжатларига эксперт, олим ва мутахассислар томонидан берилган шарҳларни жойлаштириш, янги қонун ҳужжатларини тушунтириш юзасидан теле ва радио дастурларининг сифати, қонунларни муҳажасамлаштириш ва уларнинг тарғиботи муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, қонун ижодкорлиги соҳасидаги ислохотлар давлат сиёсатининг муҳим таркибий бўғини ҳисобланган ҳуқуқий сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади. Бу соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналишлари, принциплари, мақсад ва вазифалари ҳуқуқий сиёсатни белгилаб берувчи асосий манбаларда ўз тасдигини топади. Ушбу соҳадаги оқилона, асосли ишлаб чиқилган дав-

**Толибжон УМАРОВ,**  
Бош прокуратура Матбуот хизмати бошлиғи ўринбосари

лат сиёсатининг мавжудлиги ҳуқуқий ислохотлар муваффақиятининг гарови ҳисобланади.

Фикримизча, қонун ижодкорлигини такомиллаштириш учун, биринчидан, қонун ҳужжатларини миллий-ахлоқий аъёналарга садоқат руҳида яратиш, бунда жамоатчилик назоратига бўйсунмаётган ва амал қилмаётган ахлоқ нормаларини ҳуқуқ нормаларига айлантириш, иккинчидан, қонунчиликнинг илмий-назарий асосланганлик даражасининг юқори бўлишига эришиш, бунинг учун қонунларни илмий-назарий жиҳатдан маромига етказган ҳолда ишлаб чиқиш, учинчидан, қонун ижодкорлигининг сифат ва самардорлигини таъминлаб берадиган халқчиллик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқ бўлишига эришиш, тўртинчидан, мамлакатда демократик ислохотларни чўқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш учун қонун ижодкорлиги жараёнида аҳоли иштирокини фаоллаштириш, бешинчидан, қонун ижодкорлиги жараёнини ахборот-таҳлилий таъминлаш, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни вақтида аниқлаш, олтинчидан, ҳоржий таъжрибани қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби, шакллари ва турларини мукамал эгаллаш, халқаро ҳужжатлар ва чет мамлакатлар қонун ҳужжатларининг қоидалари, тегишли халқаро таъжриба қўлланилишининг мақбуллиги тўғрисидаги тақлифлар ишончли манбаларга асосланиши лозим. Еттинчидан, аҳолининг қонунларни яхши билиши ва уларни ҳурмат қилишига қонунчилик тарғиботи шарт-шароит яратиши. Бундай тарғибот давлат органлари ва айрим фуқаролар, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсиялари, жамоатчилик фикридан фойдаланган ҳолда олиб борила самарали бўлади. Саккизинчидан, муҳтарам Президентимиз айтганидек "Давлатнинг куч-қудрати, аввало, демократик институтларнинг мустакил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўйбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бориш қобилияти билан ўлчанади".

Шунинг учун мазкур соҳаларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қонун ижодкорлиги барчанинг, айниқса, ҳуқуқшуносларнинг доимий эътиборида бўлиши, бу борада фаол илмий-назарий тадқиқотлар ҳамда амалий таъжрибалар муттасил ўтказилиши лозим бўлади.

Ишонч одамга куч бағишлайди. Ана шу билдирилган ишонч туйфайли бировлар ҳаётда ўз йўлини топиб кетади. Айримлар эса бундан ҳаволаниб, жавобгарликни унуттишда ва ишонччи оқлаш ўрнига, вазиятдан "унумли" фойдаланиб қолишга киришади.

## «Ҳотамтой» ўғриллар

Сирождин САТТОРОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси

**К**ахрамон Шариповга ҳам ишонч билдирилган эди. Бирок у амал курсига ўтиргач, бу туйфунга тезда унутди. Қ.Шарипов "Самарқанддон" ОАЖга қарашли "Нурободдон" филиалига раҳбар бўлди. Жамият билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилди. Унинг шартларига кўра, Қ.Шарипов корхона томонидан жавобгарлиги топширилган моддий қимматликларни тўлиқ сақлаб, уларга ҳар қандай зарар етказилишининг олдини олиши ва бу борадаги ҳисоб-китобларни тўлиқ юритиб бориши лозим эди. Амал курсисига ўтирган Қахрамон эса босар-тусарини билмай қолди.

Кўл остидаги ходимлар — тарозибон Жамолiddин, кўриқлаш бўлими бошлиғи Актам, соқчилар Даврон, Салим, Бадриддин, Тўйчи ва Сирождинлар билан тил бириктириб, ўз билганича иш юрита бошлади.

Дастлаб у тарозибон Жамолiddин, таниши Аббос ва "Шурча машъал ёғдуси" фермер хўжалиғи раиси Ш.Бобоев билан келишиб, бу фермер хўжалигидан берилган ишончномага асосан 9 млн. 839 минг сўмлик уруғлик бугдойни қиммат қилишди. Ш.Бобоев бугдойни қабул қилиб олган бўлса-да, келишувга биноан бухгалтерия ҳужжатларига қайд қилинмади.

Кейинги сафар Қахрамон филиал омборидан Бектош исмли кишига 31 тонна бугдойнинг ҳар бир килограммини 500 сўмдан сотди. Филиалда лаборант бўлиб ишловчи Ашур ва Абдурауфларга ҳам 2,5 тоннадан жами 5 тонна бугдойни ҳеч қандай ҳужжатларсиз бериб юборди. Ойлик ҳисобот тузишда эса бу чиқимларни билдирмай "текислаб" қўйди.

Унга билдирилган ишонччи суиистеъмол қилган Қахрамон зиммасидаги мажбуриятларни буткул унутди. Филиал омборини гўё ўз мулкидек санаб, пул зарур бўлган захоти халқ ризки бўлган донни ҳеч қандай ҳужжатларсиз пуллаверди. Бир сафар у Зафар исмли шахсга 40 тонна бугдойни 20 млн. сўмга пуллади. Соқчиларга эса моддий ёрдам сифатида 1 тоннадан бугдой улашди. "Тарки одат амри махол" деганларидек, у танишларидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун олган қарзлари эвазига ҳам давлат донидан бера бошлади. Жумладан, Аббосдан олган қарзлари эвазига 40 тонна, Давронга эса 6 тонна бугдойни ноқонуний равишда бериб юборди. Бундан ташқари, у Аббосга яна 8 тонна, бироз мuddатдан сўнг 36 тонна, номаълум шахсларга 22 тонна, кўл остидаги лаборантларга яна 5 тонна бугдойни ҳеч қандай ҳужжатсиз сотиб юборди. Қилмишларини яшириш учун эса ҳисоботларни сохталаштиради.

Кун келиб камомад чиқишини билган Қахрамон жамият томонидан ўтказиладиган текширишда "сақлашдаги табиий камайишлар қўлланганда ҳужжатсиз чиқарилган бугдойларим камомадини қоплаб кетади", деб ўйлаганди. Бирок, текшириш пайтигача омбордаги махсулотнинг тағи кўриниб қолган эди. Шундан сўнг у икки оёғини бир этикка тикиб, турли жойлардан бугдой сотиб олишга тушди. Аммо камомадни тўлдиролмади. У ва шерикларининг қилмишлари ошқор бўлди.

Қахрамон ўз вазифасига лоқайд муносабатда бўлиб, "Самарқанддон" ОАЖнинг жами 172 тонна 500 кг. ўртача бозор баҳоси 140 млн. 242. минг сўмлик бугдойни ўзлаштириб талон-торож қилгани маълум бўлди.

Суд ҳукми билан айбдорларга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

## «Эрта-индини» тугамади

Айримлар борки, пул, моддий манфаат учун ҳар нарсага тайёр бўлиб, кези келганда виждон ва лафзини унутиб қўйишади. Бекзод Мансуров ҳам шундайлардан чиқиб қолди. У олий маълумотли бўлса-да, ҳанузгача бир ишининг бошини тутмади. Бу ёқда оиласи, икки нафар фарзанди бор. Осонгина мўмай даромадга эга бўлишни истайдиган Бекзод муқаддам суҳбининг қора курсисига ўтириб ҳам тегишли хулоса чиқармади.

**Х**аммаси таниши Ш.Авазов билан кўришиб қолганидан бошланди. Сухбат чоғида Ш.Авазов "Lasetti" русумли автомашинасини сотмоқчи эканлигини айтди. Шундай фурсатни кутиб юрган Бекзод "отини қамчилаб қолди":

— Мен машина олмоқчи бўлиб юргандим, — деди у. — Менга сота қолинг.

Иккови ўзаро бир тўхтамага келишди. Келишувга кўра, Бекзод унинг машинасини сотиб оладиган, лекин ҳозирча 8 минг АҚШ доллари бериб, қолгани



Раҳматилла МАМАРАСУЛОВ,  
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

ман, — деди у. Харидор машинани кўргач, олишга рози бўлди. Бекзоднинг бу машинани сотишга ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмаса-да, машинани 17 минг АҚШ долларига сотди.

— Расмийлаштириш ишларини уч ойдан кейин қилиб бераман, — деди фириб устаси. Негадир Э.Уроқов бунга рози бўлди.

Бекзод эса икки томонга берган ваъдасини унутди. Орадан анча вақт ўтди. Ниҳоят, сабри тўлганлар унинг қилмишлари ҳақида тегишли жойларга арз қилишди. Шундан сўнг "оёғи куйган товукдек" югуриб қолган Бекзод Ш.Авазовга машинасини, Э.Уроқовга эса пулларини қайтарди.

Жабрланувчилар эса унга нисбатан даъволари йўқлигини билдиришди. Бирок, қонун олдида барча баробар, Бекзод Мансуров қилмишига яраша жазосини олди.

## «Заҳарқовуз» бўйида ўсган «Заҳриқотил»

Дилшод ЗАРИПОВ,

Бухоро транспорт прокуратурининг катта ёрдамчиси



Кармана тумани "Азамат" қишлоғининг "азамат" йигити бўлмиш Хуршид "Ёрикул Рўзиев" фермер хўжалиғига сувчилик қилиб, даладари сугориб юрган вақтда Заҳарқовуз ариғи бўйида ўсиб чиққан "тиёғ"га кўзи тушиб қолди, уни юлиб олиб, пана жойла қуритди.

**С**ўнгра целлофан пакетга солиб яшириб қўйди. У бу захриқотилнинг харидори чиқишини яхши биларди.

2015 йилнинг 8 январь кuni Хуршид кутган харидор Алибек Баҳромов (исмлар ўзгартрилди) телефон қилиб қолди.

— Алло! Ассалому алейкум! Ман Алибек тоған.

Сония Бикмаеванинг ўғли билан келини бир неча йиллардан буён Россия Федерациясининг Псков шаҳрида яшаб, ишлаб келишарди. Кунларнинг бирида ўғли телефон қилиб, онасини ҳам ёнига чақирди. Дарҳол йўлга отланган Сония кўп куттирмай етиб борди. Дастлаб бироз ишлади.

**А**ммо кейинчалик келини касал бўлиб қолди-ю, унга уй ишларида ёрдамлашиб турди. Келинининг тобора касали оғирлашиб, охири ётиб қолди. Кечая кундуз унинг ёнида бўлган Сония эса уйқусизлик касалига йўлиқди. Тез-тез боши оғрий бошлади. Шундан сўнг у шифокор кўригига борди. Врач "Феназепам" дори воситасини ичиб туришни тавсия қилди. Сония Псков шаҳридаги дорихоналарнинг биридан 50 дона "Феназепам" дори воситасини сотиб олиб, истеъмол қила бошлади.

Орадан анча вақт ўтиб, Сония "Москва-Тошкент" йўналишидаги йўловчи поезд билан уйига қайтиб келди. Ўзи билан олиб келган 37 дона "Феназепам"

- Яхшимисиз тоға? Эшитаман.
- Анани "дори"дан керак бўлаятми.
- Қанча оласиз?
- Бир гугурт қути бўлса...
- Нархни биласиз-а? 150 минг сўм. Хончор-боғдаги "Азамат" қишлоғида учрашамиз.

Келишувга асосан айтилган манзилда "харидор" билан учрашган Хуршид тоғасининг олдида бегона кишини кўриб, кўнгли нимадандир безовталанса-да, "Балки ҳақиқий харидор шу бўлса керак", деган хаёлга ҳам борди. Бирок, унинг хомхаёллари бу гал палда берди. Кимнингдир ноқорлиги, яна бировнинг бахтсизлиги, ногирон тугилажак бегуноқ гўдакларнинг уvoli эвазига мўмай пул топишни режалаштирган кишининг борар манзили аниқ.

Жиноят устида қўлга олинган Хуршид Ҳақназаров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан айбли деб топилди ва 2 йил-у 6 ой мuddатга озодликдан маҳрум этилди.

## Дори яширганди

Қаҳдоржон МУКУМОВ,

Самарқанд транспорт прокуратураси терговчиси



дори воситасини эса чегара назоратидан яширинча олиб ўтди.

Уйда бироз бўлгач, ана Россияга қайтиб кетиш учун Самарқанд халқаро аэропортига борди. Аэропорт чегара назорати божхона кўригидан ўтишдан олдин божхона декларациясини тўлдирди. Божхона ходимлари у билан оғзаки савол-жавоб қилиб, унда ноқонуний буюм ва ашёлар бор-йўқлигини сўрашганида у "йўқ", деб жавоб берди.

Шундан сўнг ҳолислар иштирокида Сония Бикмаева шахсий кўриқдан ўтказилди. Унинг сумкачасидан 37 дона "Феназепам" дори воситаси топилди. Вазир

лар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги "Гиеҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига асосан, муомалада бўлиши назорат остига олинган психотроп моддалар рўйхатига бу дори ҳам киритилган.

Суд Сония Бикмаевага 5 йил-у 2 ой мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Унинг чин кўнглидан пушаймонлиги, қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги, муқаддам судланмаганлиги, оилавий аҳволлини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, аёл киши эканлигини инобатга олиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазо шартлига алмаштирилиб, 2 йил синов мuddати белгиланди.



Ўзи тўқиган тўрга ўзи илинди

Инсон онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Вояга етиш жараёнида ота-она томонидан бола тарбиясига масъулиятсизлик қилиниши, шунингдек, атрофдагиларнинг салбий таъсири тўғрисида унинг кўчасига кириши мумкин.

Илк бор 21 ёшида транспорт воситасини олиб қочиш жинояти учун суднинг ҳукми билан 3 йил озодликдан маҳрум этилган Косон туманининг Бойтерак қишлоғида яшовчи Баҳодир Ашуров амнистия акти билан жазодан озод этилганди. Кўпчилик шундан сўнг унинг тўғри йўлга киришига умид қилганди. Орада у уйланиб, фарзандли бўлди. Баҳодир энди оилани пешона тери эвазига боқиб, қинғир йўл билан топишган пул юкмаслигини англаб етиши керак эди. Аммо у ҳаётнинг бу ҳикматларини мулоҳаза қилишни истамасди. Шу сабабли 2012 йилда фирибгарлик жинояти учун яна бир бор суднинг қора курсисига ўтиришига тўғри келди. Афсуски, ўттиз ёшга етмай икки бор судланиб, оиласини, қариндош-уруғларини элу юрт ўртасида беобур қилаётганини тасаввур ҳам этмасди. Унинг қилмиши яна бир бор кеңирилди. Йигит ўзини энг омадли одамлар сафига қўша бошлади. Назарида унинг жиноятлари мудом кеңириладигандек туюлаверди. Шу сабабли яна фирибгарлик жинояти этганини тутди.

Қарши туманининг Бешкент шаҳрида яшовчи фуқаро Рауф Худойбердиев автомашиналар



ювиш шохобчаси очиб ниятида биров маблағ тўплаганди. Шохобча учун биринчи навбатда "Карчер" сув пурақачи ускунаси олиш лозим эди. Бу ниятини қайноғаси Рамз Ҳикматовга билдирганида у 2014 йилнинг февраль ойида уни Баҳодир Ашуров билан таништириб қўйди. Баҳодир ўз навбатида пойтахтдан сотиш учун бир неча та "Карчер" олиб келганилиги, агар унга бу ускуна керак бўлса, арзонроқ нархда сотиши мумкинлиги тўғрисида ёлғон тўқийди. Рауф Худойбердиев бу гапларга ишониб, унга 12 млн. 300 минг сўмини бериб юборганини билмай қолди. Баҳодир пулни олгач, ускуналарни март ойида олиб келишини ваъда қилди. Аммо ваъда ваъдалигича қилиб кетди.

Баҳодирнинг найрангларига чув тушган биргина Рауф Худойбердиев эмас эди. У 2014 йилнинг 18 февраль куни қариндоши Улуғбек Қўчаровнинг уйига боради ва бир танишига пул керак бўлиб қолганилиги айтиб, ундан бир ҳафтада қайта-

риш шarti билан 16 млн. сўм пулни олиб кетади ва ушбу маблағни ҳам ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборади. Одамлардан пулларни алдов йўли билан қўлга киритаркан, бир кун келиб улар пулларини сўраши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайди.

Фуқаро Аброр Ҳусанов отаси, марҳум Эргаш Жўраевнинг пластик картчасидаги 26 млн. 248 минг сўм пулнинг бир қисмини, яъни 6 миллион 600 минг сўмини зарурий тўғрисида нақдлаштириб олиш мақсадида "Ўзсаноатқурилиш банк" АТБ вилоят минтақавий филиалига келади. Бу ерда ҳамқишлоғи Юнус Мейлиевни уchrатиб, унга мақсадини айтади. Шу вақт банкда юрган Баҳодир Абронинг ниятидан хабар топиб, пластик картчани қўлга киритиш пайига тушади. Таниши 3.Муслимов Ю.Мейлиев билан ҳам таниш эканлигидан фойдаланиб, Аброрга агар истаса 12 фоииз устима билан пулни нақдлаштириб бериши мумкинлигини айтади. Аммо Аброр

унинг шартига кўнмагач, Баҳодир 10 фоииз устима эвазига ҳам "хожатбарорлик" қилишини билдиради. 2014 йилнинг 1 март куни Аброр Ҳусанов 3.Муслимов орқали Баҳодирга пластик картчасини беради. Баҳодир мазкур пластик картчадан 6 млн. 600 минг сўмини ечиб олиб, Аброрга 6 млн. сўмини бериб юборади. Пластикни эса икки-уч кундан сўнг қайтаришини айтади. Аммо пластик картчада катта миқдордаги пул бўлганлиги сабабли Абронинг кўнглида хавотир ўйланади. Бунга жавобан Баҳодир ундан 20 млн. сўм қарз олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб беради. Мазкур тилхат Абронинг кўнглига таскин беради. Баҳодир унинг ишончини қозонгач, пластик картчада қолган 19 млн. 648 минг сўм пулни ҳам эгасига билдирмай ечиб олади ва ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Аброр пластик картчани олгач, ундаги маблағни текшириб кўради. Ҳамма пул ечиб олинганини билиб, фирибгарга дуч келганини пайқайди. Кейин ўртада воситачи бўлган 3.Муслимовга бўлган воқеани айтиб, пулнинг қолганини қайтаришни талаб қилади. 3.Муслимов Баҳодирдан нега бундай қилганини сўраганида эса у аввалига бундан тан олмайди. Бироқ юзлаштиришлар натижа-сида Баҳодир чиндан ҳам пластик картчадаги ҳамма маблағни ишлатиб юборганини тан олди. Лекин Баҳодир пулни

Отабек ТОҒАЕВ, Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси

қайтаришни пайсалга солади. Аброр ўртада воситачи бўлган 3.Муслимовдан пулни талаб қилиб, агар бермаса, тегишли жойга мурожаат қилишга мажбур бўлиши тўғрисида огоҳлантиради. 3.Муслимов ноилоҳ қилиб, ўзининг ҳисобидан 15 млн. сўм пулни Аброрга беради. Ўзи эса Баҳодирдан пулларини олиш учун унинг уйига боради, Баҳодир эса ҳадегандан тўтчи беравермайди.

Пулидан айрилганлар уйига серқатнов бўлиб қолгач, улардан қутулиш мақсадида Баҳодир янги найранг ўйлаб топди. Узининг фирибгарлик жиноятини яшириш мақсадида 2014 йилнинг 12 апрель куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 3.Муслимов ва унинг шериклари товламачилик йўли билан пул талаб қилаётганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат этди. Аммо унинг бу найранг ўзига қаймматга тушди. Натижа у кутганидек чиқмади. Суриштирув ва тергов жараёнида ҳақиқат ойдинлашиб, унинг фирибгарлиги фш бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди томонидан Баҳодир Ашуровга қилмишлари учун 3 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, унинг ҳисобидан жабрануви-ларга етказилган моддий зарарлар ундирилди деган бўлди.

"Бекорчиладан худо безор", деганларидек, аини куч-ғайратга тўлиб-тошган пайтда бирон-бир ҳунар, ишнинг этагидан тутмаган, саёқ юрган йигитнинг руҳиятида заҳарханаалик, иззатталаблик, урушқоқлик учиб боради. Арзимаган баҳона билан оилада хотини ёки боласига, кўча-кўйда таниш-нотанишларга заҳрини сочishi оdatий ҳолга айланади. Баъзан, иззатталаблик, урушқоқлик оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Иззатталаблик оқибати

Сентябрь ойининг сўнги кунлари. Қўқон шаҳрилик, йигирма уч ёшга кирган, бирон жойда ёлчитиб ишламаган Қаҳқор (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кечки пайт уйдан чиқиб, яқиндаги сартарошхонага кириб борди. Бурчакдаги стулни эгаллаган маҳалладоши Ҳайдар унга салом берди-ю, ўрнидан турмади, қўлидаги уяли телефонидан кўз устасидан ўтираверди. Йигитчанинг беписандлиги, жой бўшатмагани Қаҳқорнинг гашига тегди.

— Тур, ўринингдан, э сен... — Ҳозир ака, видео охирлаб қолди, қўриб олай. Қаҳқорнинг газаби қайнаб, уни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди. Урнидан турган йигитчанинг лунжига мушт туширди. — Яхши иш қилмадингиз, — дея ташқарига чиққан Ҳайдар уяли телефонида акасига арз қилди. — Ҳозир бораман, — Бехзод укасини тинчлантирди.

Йигитчанинг ортидан ташқарига чиқиб, телефонда акасини чақирганини эшитган Қаҳқор баттар газабланди. — Олдимга туш, орани очиб қилиб оламиз, — дея Ҳайдарни шу яқиндаги мактабга судради. Йўл-йўлакай уйига кириб, кийимларини алмаштирди. Жилет кийиб, қинли пичоқни қўйига солиб чиқди. Кечки пайт кимсасиз бўлган мактаб ҳовлисига кирди-да, "рақиб"ини чақирди. Аммо Ҳайдарнинг юраги тақалпука бўлиб, ташқарига тураверди. Қаҳқор унга яқинлашиб, ҳақорат қилаётганида Ҳайдарнинг акаси Бехзод ўртоғи Мухсин билан етиб келди. Маҳалладош Маҳмуд ака можарони қўриб, "Матиз" энгил машинасидан

тушади. Мухсин уяли телефонида ким биландир гаплашди. Уйдан кўчага чиққан Шодибек мактаб олдида турган оғайнларининг ёнига борди. — Ўпкангни бос, — дея Бехзод озгидан боди кириб, шоди чиқаётган Қаҳқорни муросага келтирмоқчи бўлди.

Унинг қулоғига гап қирмай, Ҳайдарга ташланди. У тисарилиб, ўзини олиб қочди. Қаҳқор ўртага тушган Бехзоднинг қорнига пичоқ тикиб, панжара орасидан мактаб ҳовлисига қочиб ўтди. Қорнини чангаллаганча бучкайиб қолган йигитни укаси, ўртоқлари Маҳмуд аканинг машинасида шошилишч тиббий ёрдам марказига олиб кетишди. Лекин, у шифохонага етиб бормади, йўлда жони узилди.

Дастлабки терговда Қаҳқор Баҳромов ўзини ҳимоя қилаётти, пичоқ санчиб қўйгандай таассурот туғдиришга ҳаракат қилди. Бироқ, гувоҳлар ҳолисона таъкидлаганидек, жанжални айнан Қаҳқорнинг ўзи бошлагани, иззатталаблик қилиб, Ҳайдарни ургани етмаганидек, уни муросага чақирган акасини пичоқлаб қўйганлиги ойдинлашди.

Суд ҳукмига кўра, қасддан бировнинг умрига зомин бўлган Қ.Баҳромов ўн олти йилга озодликдан маҳрум этилди.

Алишер ХОДЖАЕВ, Фарғона вилоят прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси

Аёл жиноятга қўл урса...

Мамлакатимизда таълим тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Ўз навбатида, ёшларнинг касб-ҳунар ўрганиш ва олий маълумот олишига бўлган иштиёқи ҳам кучаймоқда. Республикаимизда жорий этилган 12 йиллик мажбурий таълим ўрта махсус таълим тизимида ўзига хос соғом рақобат муҳитини юзага келтирмоқда. Бунинг айрим нафси ўпқон кимсалар ноқонуний шахсий бойлик орттириш учун имконият, деб тушуниб, ҳатто жиноят қилишдан ҳам тап тортишмаяпти.

Акс ҳолда ёши элликка бориб қолган, вилоятимиздаги тиббиёт коллежларидан бирида ўқитувчи бўлиб ишлаб келаётган Муаззам Саматова (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг бугун суднинг қора курсисига ўтириб, ҳамкасблари олдида юзи шувут бўлармиди? Бир неча йиллардан буён тиббиёт коллежда ўқитувчи вазифасида ишлаб келган М.Саматованинг меҳнат жамоаси ва шоғирдлари орасида обрў-эътибори етарли эди. Бироқ бу обрў ҳавога совурилди.

Ушанда йилнинг июнь ойи бошлари — мактаб битирувчилари учун муҳим давр эди. Муаззамнинг қўл телефонига қўнғирок бўлди. — Учта хиянинг бор, тиббиёт коллежга ўқишга киришлари керак, — деди унга таниш бўлган аёл. — Фақат бир муаммо бор, хиянларимнинг бири 9-синфни ўтган йили тасмалаган. Бу йил тиббиёт коллежга кириб ўқиса бўлаверадими? — Илоҳи бор, синглим. Фақат... "имкон"ини тополсангиз бас! — деди Муаззам нимагадир шамма қилиб.

— У "томон"дан қўнғингиз хотиржам бўлсин, — деди аёл. — Қанча бўлади? — Зийрак аёл экансиз. Бир минг икки юз долларни тайёрлаб қўяверинг. Ишингиз битди ҳисоб! Орадан икки кун ўтиб, Муаззам бош-

Нафиса РУСТАМОВА, Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

қа бир таниши Шохидага қўнғирок қилди:

— Сенга иш бор... Бир аёл сенга учрашиб, бир нима беради. Уни менга олиб келиб берасан. Сен билан қасалхона ёнида қўришамиз, — деди ортқача саволга ҳожат қолдирмай.

Бироздан кейин улар учрашдилар. Шохида коллежнинг бўлажак уч ўқувчиси учун олинган пул — 1200 АҚШ доллари уни Муаззамнинг қўлига берди. Поранинг чўғидан хурсанд бўлган аёлнинг юзига табассум югурди. Бироқ бу табассум зум ўтмай йиғиға айланди. Ҳуқуқ-тартибот органи ҳодимлари уни жиноят устида қўлга олишди...

Ҳар икки судланувчининг аёл эканлиги, қарамоғида фарзандлари борлиги, муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан пушаймонлиги инобатга олиниб, жазо тайинлашда энгиллик берилди ва улар икки йил муддатга ахлоқ тазатиш иши жазосига тортилди. Ўйлаймизки, улар бундан тўғри хулоса чиқариб оладилар ва қайта жиноят кўчасига қадам босмайдилар.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза туғилсади. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари арафасида айрим кимсаларнинг "Фарзандингизни ўқишга киритиб қўя оламан", деган ёлғон сўзлари фирибгарлик тузугидан бошқа нарса эмаслигини ёддан чиқармаслик лозим. Билим ва фақат билимгина имкониятлар эшигини оча оладиган ягона куч эканини ўғил-қизларимиз онгу тафаккурига сингдира олишимиз керак.

# Гиёҳвандлик — умр заволи

Янги асрада инсониятнинг имкониятлари ниҳоятда кенгайиб бораётир. Бу яхши, аммо, тетраминиза авж олаётган баъзи муаммолар ҳам борки, у зинн биздан ўта ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этади.

Гап шундаки, тараққиёт иддамлаб, тиббиёт ривожланиб бораётган бўлса-да, кейинги йилларда айрим хасталиклар туфайли минглаб одамлар ҳаётдан кўз юммоқда. Бундай ноҳуш ҳолатларга, афсуски, кўпинча инсоннинг ўзи сабабчи бўлаётди. Ана шундай ўта хавфли касалликлардан бири гиёҳвандликдир.

Гиёҳвандликнинг кишилар, айниқса, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида БМТ ҳузурида гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши халқаро ҳайъат ташкил этилган. Мазкур ҳайъат томонидан ҳар йили эълон қилинаётган маълумотларга қараганда, ҳажонда миллат танламас ушбу иллат билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони ортиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат фуқароларимизни, хусусан, ёшларимизни жамиятнинг ҳар томонида қомил, соғлом, оқсак тафаккур ва маънавиятли, ижтимоий фаол кишилари қилиб тарбиялашга қаратилган. Мана шу халқчил сиёсат боис, юртимизнинг барча ҳудудларида гиёҳвандликка қарши изчил

кураш олиб борилмоқда. Хусусан, ҳар йил июнь ойи юртимизда "Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги" деб эълон қилинади. Шу муносабат билан жойларда мутахассислар, шифокорлар ва бошқа мутахассислар иштирокида турли тадбирлар уюштирилди. Оммавий ахборот воситалари орқали дунёда "Аср вабоси" дея ном олган гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчли оқибатлари кенг тушунтирилмоқда.

Инсон — коинот гултожи. У бошқа жонотлардан фарқли ўларок, онг ва тафаккурга, ақл-идроққа эга. Шундай экан, тараққиёт қанчалик иддамламасин, янгидан-янги дори-дармонлар қанчалик кўпаймасин, агар инсон ўз саломатлиги устида ўзи қайғурмас, кутилган натижага эришиш мумкин. Афсуски, ораимизда ана шу ҳақиқатни кўра-била туриб, ўз жонига жабр қилаётганлар ҳам учраб туради. Хизмат юзасидан гиёҳвандликка қарши курашиш доирасида ўтказилган бир тадбирга борганимизда Маъруф (исм ўзгартирилди) исми йигит билан суҳбатлашиб қолдим. Не таассуфки, у ушбу бағлом йўлидан экан. У ёшликнинг бебош кўчаларида адашиб, эндиликда даволанаётганлардан бири.

— Ота-онанинг ёлғиз фарзандиман, — дейди у. — Шу

боис улар нимани истасам, шуни муҳайё қилишар эди. Мактабда ўқиб юрганымдаёқ, тенгдошларимнинг қўли етмас барча нарсаларнинг ҳаммаси менда бор эди. Ана шундай шароитда яхши ўқиш ўрнига ёмон иллатларга берилиб кетдим. Дастлаб сигарета чекишни ўргандим. Ҳар хил "ошналар" билан тез-тез ўтиришлар уюштирдик. Шундай давраларнинг навбатдагисида дўстларимдан бири мени иллаб, ташқарига чақирди.

— Ҳозир зўр иш қиламиз, — деди у. — Биласан, ёшлик ўтади, кетади. Шунинг учун бир марта мазза қилаймизми?

У шундай дея чўнтағидан сигарета чиқариб тутатди. Мен унга: "Э, шунга шунчами, мен чекишни аллақачон бошлаганман", деб мактадим. Шунда у галати ҳиринглади. Бу ҳиринглаш маъносини у узатган сигаретани тортгандан кейин тушундим. Аввал бошим айланди, кейин оёқларим қалтиради. Сўнг нима бўлганини эсломлайман...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, гиёҳванд моддалар — наша, афюн, героин ва кокаин мий фаолиятини бузар экан. Киши атроф-муҳитда бўлаётган воқеаларга бепарво бўлиб қолади. Унинг гирдобига тушган бемор нафақат ўз яқинлари, балки юртини ҳам танимайдиган манкуртта айланади.

Мана шунинг ўзиёқ гиёҳвандликнинг нақадар тубанликка олиб боришини аниқлатади.

— Мактабни битириш арафасида чекишни яхши "ўзлаштириб" олгандим. Уша йили кўп синфдошларим ўқишга киришди, — дея гапини давом эттирди бемор. — Биз тўрт-беш "банги" эса ўз "ишимиз"ни давом эттирдик. Чекишдан ташқари ўғирлик ҳам қилардик. Отам менинг бу қилиқларимни эшитиб, зора босилиб қолса, деган умидда уйлантириб қўйди. Тўғри, бошида қилаётган ишларимдан чалғигандай ҳам бўлдим. Аёлимиз давом эттирди. У чекишдан хабар тоғча, "Чекманг, умрингизга зиён, қоланг, болаларимиз ногирон бўлиб қолиши мумкин", дея зорланарди. Унинг бу гапидан сўнг чекишни ташлашга қатъий қарор қилдим. Аммо ирода етмади.

...Энг даҳшатлиси, кунларнинг бирида дори таъсирида ўтирсам, кимдир келиб: "Қачонгача шундай қиласан, эл олдида юзим қаро бўлди-ку?" дея ўшқира кетди. Бу гаплар менинг қонимни қайнатди. Ўрнимдан туриб уша одамни роса тегдим, холсизланиб қолганимдан кейин тош билан ҳам урдим. Элас-элас эслайман, атрофда одам кўп эди. Эртасига — ҳўшим ўзимга келгандан кейин кимни урганми-

Икром НАРИМОВ,  
Тошкент авиация транспорт прокурори

ни билди, ўзимни лаънатладим. Чунки ҳамма қилиқларимга чиданган, ҳатто, бир марта бўлса ҳам қаттиқ гапирманган отамни урибман. Отам бечора оғир аҳволда касалхонага тўширибдилар. Эл оғзига элак тутиб бўлмасди — фарзандим ва отам касалхонада эканлигини, бунга эса мен сабабчи эканлигимни гапирардим. Бундай инсондан бош кўтаролмай қолдим. Охири қатъий аҳд қилиб, мана шу ерга келдим. Даволанишни бошлаганимга тўрт ой бўлди. Сал ўзимга келдим. Қилган қилиқларимни эсласам, минг-минг пушаймонлар бўламан. Йўқ, бўлиши мумкин эмас, дейман. Аммо ҳаммаси ҳақиқат...

Маъруфнинг афсус-надоматларини эшитиб ҳулоса қиладиган бўлсак, бу йигитнинг ҳаёти бошқаларни — унинг тенгдошларини, умуман, ҳамма-ҳаммани ҳушёрликка чақиришни истардик. Бинобарин, ҳар бир фарзанд биз учун азиз. Унинг тақдирига масъуляти билан муносабатда бўлиш, авваламбор, ота-онанинг, сўнг маҳалла-қўйнинг, кенг жамоатчиликнинг бурчи. Сир эмаски, барча иллат локайдликдан келиб чиқади, бепарволикдан урчидай.

Реклама ўрнида

## Ватан истиқболига камарбастамиз

Жаҳонгирнинг қўлида гулдек ҳўнари бор эди. Маҳалласида тенгқўрлари, таниш-билишларининг соч-соқолини қиртишлаб, унча-бунча чой-чақа ишлар, аммо бирор шўна сартарошхона очиб, шу ишнинг бошини тутай демасан. Ўзини ўта-чўйга уриб, мўмай пул ишлаш илминда минг кўчага қириб чиқар, бир қарасанг, бозорда савдо қилар, яна бир қарасанг, бошқа ишларда ўзини синаб кўргиси келарди.

Шундай кунларнинг бирида маҳалла оқсоқоли Жаҳонгирни йўлда учратиб қолиб, терговчидек сўроққа тутди.

— Анчалан бери кўзатман, бирор танишли ишнинг бошини тутай демасан, — деди оқсоқол дабурустан. — Кўчадан тошган уч-тўрт сўм пулга маҳлиё бўлиб умринг ўтиб кетаяпти, сен болани. Қўлингда гулдек ҳўнариг бор, деб эшитаман. Маҳалламизнинг бирор жойидан сартарошхона очиб, ишласан бўлмайдинг?

— Э-э амаки, сиз айтади ишни қилиш учун менда пул қандай дейсиз. Кейин маҳалламизнинг қаерини ким менга берай, деб кутиб турибди, — деди Жаҳонгир оқсоқолнинг панд-насихатидан энсаси қотиб.

— Мана, мен сенга ёрдам бераман. Мадамин қасбонинг дўқони олдида қўйиқ ер бор. Ана шу жойни сенга берамиз, сартарошхона курасан. Пулнинг эса гамини емай қўйвер. Маҳалламиздаги Жавлон банкирга айтиб, кредит ҳам олиб берамиз.

Шу ишнинг бошини тутсанг, маҳалламиз сартарошхоналик, сен эса мўҳим ишлик бўлиб қолардинг.

Бу суҳбатдан сўнг орадан кўп ҳам ўтгани йўқ. Ҳамма иш оқсоқол айтганидек бўлди. Жаҳонгир "Агробанк"дан кредит олди ва маҳаллада сартарошхона ташкил этди.

Ҳозир унинг ўзи ҳам маҳалладагилар ҳам миннатдор. Асли қасбм сартарош дея қўшиқ қуйлаб, маҳалладошларининг ҳўжатини чиқаряпти.

Бугун Навоий вилоятида Жаҳонгир сингари тадбиркорликнинг бошини тутиб, эл қорига яраётган, рўзгор тебратётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораёпти. Кимдир леҳқончилик, зироаткорлик билан машғул бўлса, яна кимдир

савдо-сотикда. Бирор қасбнинг бошини тутган ёшлар эса ўз ҳўнарлари билан тадбиркорлик қилишяпти.

"Агробанк"нинг Навоий вилоят бошқармаси эса ана шундай ишбилармон ва уздабурон ёшларнинг ўз йўлларини топиб кетишларида ҳақиқий қўмақчига айланган.

Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида банк томонидан кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш мақсадида барча манбалар ҳўсбидан 22 миллиард 325 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Натижада яна 820 та янги иш ўрни очилди, шунча хонадоннинг рўзгорига барака кирди.

Юқорида бежизга кичик бир мисол билан сўзимизни бошлаганимиз йўқ, албатта. Чунки бугун давлатимиз томонидан хўсусий тадбиркорлик, кичик бизнесга берилаётган эътибор негизда ҳам чекка ҳудудларда ушбу тармоқ ҳўсбидан маънавий ҳамда сервис хизматлари, ишлаб чиқариш ва савдо тизимини ривожлантириш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг 15 майда қабул қилинган "Хўсусий мулк, кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ишончли ҳўмоқ қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф эттиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса ушбу тармоқнинг янада жадал ривожланишига, аҳолининг асосий қисмини, айниқса, ёшларни тадбиркорликка янада кенг жалб этишга яна бир муҳим туртки бўлди, дейиш мумкин.

Буни қўйида навоийлик тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

## Тинч юртда барака бўлади

Мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш, ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдиришда ишбилармонларнинг сафини кенгайтириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар таҳсинга сазовордир.

Бугун юртимиз ишбилармон ва тадбиркорлари ўртасида ўз келажакига бўлган ишонч мўҳим рол ўйнамоқда. Шунга кўра улар ўз ишларини ривожлантириш, тармоқларни кенгайтириш борасида тинмай изланилтириш ва самараларга эришмоқдалар.

Халқда ҳаққини таниган хор бўлмас, деган гап бор. Шу маънода ўз ҳақ-ҳўқуқларини билган, ўзларига тегишли ҳар қандай қонун ва меъёрий ҳўжатларни сув қилиб ичиб юборган ҳамқасб тадбиркорларимиз ҳеч қаерда қоқилмай, иддамлаб боришяпти.

Аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш, ишлаб чиқариш соҳаларида бунга яққол гувоҳ бўлиш мумкин.

Бизнинг масъуляти чекланган жамиятимиз ҳам ана шу ишонч ва интилиш натижасида йил сайин ривожланади.

ниб бормоқда.

Темир-бетон ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамизда айни кунда 150 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг асосий қисми қолмак битирувларилирди.

Бизни қувонтирадиган жиҳат шундаки, мамлакатимиз, айниқса, вилоятимизда амалга оширилаётган қурилиш ишларида жамоамизнинг ҳам муносиб улуши бор.

Биз ишлаб чиқараётган темир-бетон маҳсулотларидан бинолар ва йўл қурилишларида кенг фойдаланилмоқда.

Ана шундан руҳланган ҳўлда ишимизни яна кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида "Агробанк" бошқармасидан 350 миллион сўм кредит олдиқ. Қўшимча 10 киши ишли бўлди.

Энг мўҳими, банк ишончига сазовор бўлишга, олинган кредитларни ўз вақтида қайтаришга ҳаракат қилаямиз. Бу эса банк билан ҳамкорлик янада ривожланишида мўҳим омил бўлмоқда.

Амриддин МАҲМУДОВ,  
"Қизилтепа бетон қурилиш монтаж сервис"  
МҲ раҳбари

## Интиланганга толе ёр

Юртимизда банклар томонидан миқозларни жалб қилиш учун турлича шарт-шароит ва имкониятлар муҳайё қилинган. "Агробанк" ҳам энг чекка ҳудудларгача кириб борган ишончли банк ҳисобланади. Шунинг учун унга ишониб, суяниш мумкин. Бизнинг Хатирчи туманида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг асосий қисми "Агробанк" миқози ҳисобланади.

Мен ҳам Лангар кўрғонида савдо дўқони очиб шунинг кредит олиш мақсадида "Агробанк"га мурожаат қилдим. Улар 25 миллион сўмлик кредит ажратилишига розилик билдиришди. Дўқонимиз ишини тўла йўлга қўйиб олсак, кўрғон аҳлининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш имконияти пайдо бўлади. Икки киши ишли ҳам бўлади.

Бугун дунёда озиқ-овқат муаммоси кун сайин кескинлашиб бораётган бир пайтда бизнинг жаннатмакон Ўзбекистонимизда фарқ пинган мевалар ишлаб чиқарилаётган бир-биридан сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари кўзингизни қувонтиради. Мақсади кўрғонимиз аҳолисини ана шу ўзимизда ишлаб чиқарилган ва этиштирилган маҳсулотлар билан таъминлашдир.

Келгусида дўқонимизга қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех фаолиятини йўлга қўйишни ҳам режалаштирганман. Бу ҳақда "Агробанк" мутасаддилари билан маслаҳатлашганимда, улар менга бу борадаги тавсия ва маслаҳатларини беришди. Бўёғи ўзимизда қолган гап. Интиласк, ҳаракат қилсак, ўйлаган мақсад ва истакларимизга етамиз. □

Улбозор ТИРКАШЕВА, яқка тартибдаги тадбиркор

Хизматлари лицензияланган

Халқаро қабт

## Фожиага уйқу сабаб



"Anadolu Agency" ахборот агентлиги хабар қилишича, Туркия ғарбида 15 кишининг ўлими ва 2 кишининг оғир жароҳат олишига сабаб бўлган йирик йўл-транспорт ҳолисаси юз берди.

Маълумотларга кўра, Маниса вилоятидаги Гельмармар шаҳри яқинида юк машинаси енгил автомобиль билан тўқнашиб кетган. Тахмин қилинишича, фожиага юк машинасининг ҳайдовчиси автомобилни бошқариб кетаётган вақтида ухлаб қолганлиги сабаб бўлган.

## Воркута шаҳрида қор ёғди

Уч кун аввал Россиянинг Коми Республикаси шимолида жойлашган Воркута шаҳрида қор ёғди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ҳолат ҳудуддан совуқ ҳаво оқими ўтиши натижасида содир бўлган. Шунингдек, улар яқин кунларда об-ҳаво ўзгармаслигини, ҳарорат 4 даража иссиқдан кўтарилмаслигини ҳам айтиб ўтишган.

Кескин совуқ тушиши сабабли шаҳарнинг коммунал хизматлари турар жой биноларидаги иситиш таъминоти ишлатишга мажбур бўлишган.



## Уйда боқилган ит айқиб бўлиб чиқди

"South China Morning Post" нашрининг хабар беришича, Хитойнинг Юньнань провинциясида яшовчи Ван Кайюй исмли фермер икки йил давомида "итлар" деб боқаётган жонзотлар аслида ҳималай айиқлари эканини пайқаб қолди. Хитойликнинг айтишича, у



икки йил аввал Вьетнам чегараси ёнидаги ҳудудда банан етиштириш билан шугулланган. У ўша ерда кучук болаалари сотаётган вьетнамлик савдогардан иккитасини сотиб олган.

Вақт ўтиши билан Ван Кайюй боқаётган "итлар" маҳаллий авлодларига ўхшамаслигини ва ўзларини ғалати тутаётганларини сезган.

В.Кайюй ёввойи ҳайвонларни ҳимоя қилиш ташкилотига бу ҳақда мурожаат қилгандан сўнг у боқаётган "итлар" аслида камёб ҳималай айиқлари эканлиги маълум бўлди.

Ҳудуддаги ўрмон хизмати ходимлари айиқларини олиб кетишган.

## Шаҳар мэри тимсоҳга уйланди

Мексикадаги Сан Педро Уагелула шаҳарчаси мэри Жозе Васкес Рохас тимсоҳ билан никоҳ қурди. "International Business Times" нашрининг хабарига кўра, шаҳар мэри иккинчи бор шундай никоҳни расмийлаштирган. Рохас ўтган йили ҳам тимсоҳ билан турмуш қурганди.

Никоҳ маросимида тимсоҳга барча келинлар каби тўй кўйлаги кийдирилди. Никоҳ қасам-ёдлари келтириб, бошқа урф-одатлар ҳам ўз ўрнига кўйилди. Байрамона тарзда нишонланган тўйдан сўнг тимсоҳ ҳовузга қўйиб юборилди.

Ушбу маросим шаҳар фаровонлиги учун атайлаб уюштирилганлиги айтилмоқда. Сабаби, аҳолида ёввойи ҳайвонларга нисбатан меҳр уйғотишдир.



## Поезд дарёга кулаб тушди



Покистонда темир йўл ҳалокати содир бўлди. 300 нафар йўловчини олиб кетаётган 4та вагондан иборат поезднинг иккита вагони рельсдан чиқиб, дарёга кулаб тушган. Ушбу ҳолиса Гужравала туманидаги дарё устидан ўтказилган кўприкка содир бўлганлиги таъкидланмоқда.

Айни вақтда воқеа жойида кутқарувчилар иш олиб бораётир. Уларга маҳаллий аҳоли ҳамда полиция ёрдам беришмоқда. Воқеа жойига Лаҳор шаҳридан шифокорлар бўлинмаси зарур жиҳозлар билан юборилган.

"Samaa" сайтининг маълумотига кўра, айни вақтда 13 кишининг ўлими ва ўнлаб кишининг оғир жароҳатлар олганлиги тасдиқланган. Кутқарувчилар сувдан 85 кишини чиқариб олишган, уларнинг 60 нафари шифонага олиб кетилган.

## Бароридан келган ов

Канадада 9 ёшли Киган Ротман исмли мактаб ўқувчиси узунлиги 1,8 метр келадиган осётр балигини тутиб олди.



Ўқувчи катта ўлчамдаги балиқни тутиш учун 45 дақиқа вақтини сарфлади.

"Бу мен кўрган энг катта балиқ. Агар отам ўлжани қирғоққа чиқаришга ёрдам бермаганида мен бунини уйдан олимаган бўлардим", дейди К.Ротман.

Ота-бола овчилар балиқ билан суратга тушганларидан кейин уни қўйиб юборишган.

Бу воқеага гувоҳ бўлганлар ўқувчининг "ўлжаси"дан ҳайратда қолишди.

"Осётр боланингни ўзидан катта бўлгани учун жуда ваҳимали кўринади", дейди томошабинлардан бири.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## "FAR PIRAMIDA INVEST" МЧЖ барча юридик ва жисмоний шахсларни очик танлов савдосига таклиф этади

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти, Бешариқ тумани ҳокимининг 01.07.2015 йилги №175/02-01-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:

1. Тўйхона ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани, Қоражиёда ҚФЙ, Намуна қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 680 кв.м. ер участкаси. Минимал қиймати — 694 411 сўм.
2. Сартарошхона ва пайабзал таъмирлаш устaxonаси қуриш учун Бешариқ тумани, Қоражиёда ҚФЙ, Наби қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони 70 кв.м. ер участкаси. Минимал қиймати — 27 072 сўм.
3. Чойхона ва ошхона қуриш учун Бешариқ тумани, Бешариқ ҚФЙ, Оқтовуқ қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони 300 кв.м. ер участкаси. Минимал қиймати — 124 002 сўм.
4. Маҳалла гузари қуриш учун Бешариқ тумани, Бешариқ ҚФЙ, Халқабод қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони 600 кв.м. ер участкаси. Минимал қиймати — 232 044 сўм.
5. Ноозиқ-овқат дўкони қуриш учун Бешариқ тумани, Товул ҚФЙ, Товул қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони 50 кв.м. ер участкаси. Минимал қиймати — 20 667 сўм.
6. Савдо дўкони қуриш учун Бешариқ тумани, Товул ҚФЙ, уалча қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони 250 кв.м. ер участкаси. Минимал қиймати — 103 335 сўм.
7. Гушт дўкони қуриш учун Бешариқ тумани, Яккатут ҚФЙ, Яккатут қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони 15 кв.м. ер участкаси. Минимал қиймати — 6 200 сўм.
8. Спорт майдончасига ечиниш, ювиниш ва ёрдамчи ҳўжалик бинолари қуриш учун Бешариқ тумани, Рапқон ҚФЙ, Рапқон қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони 225 кв.м. ер участкаси. Минимал қиймати — 93 002 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бешариқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 10 август кунини соат 18:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Бешариқ тумани ҳокимлиги биносида 2015 йил 12 август кунини соат 13:00да очилади.

II. Фарғона вилояти, Данғара тумани ҳокимининг 03.07.2015 йилги №239-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи тақрирчи танлов савдосига қўйилмоқда:

8. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Данғара тумани, Данғара ШФЙ, Истиклол мавзёси 1-зона ҳудудида жойлашган, умумий майдони 40 кв.м. ер участкаси. Минимал қиймати — 21 996 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Данғара тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 22 июль кунини соат 18:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Бешариқ тумани ҳокимлиги биносида 2015 йил 24 июль кунини соат 13:00да очилади.

Конвертлар очилган саналдан бошлаб 10 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ўтказиш комиссияси томонидан ғолиб деб топилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Асака банк" Фарғона филиали, МФО:00539, СТИР: 300353028, 22626000804602810001 х/р/га тўлашлари лозим.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини ва танловда иштирок этиш учун ҳужжатларини тайёрлаш бўйича ахборот ва маслаҳат хизматларининг ҳар бирини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридати ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; — танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузиллиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш ва буюртманомалар, танлов таклифларини топшириш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Б.Марғиновий кўчаси 35-уй, 7-хона, "Биржа маркази" биноси. Тел: (0-373) 244-01-41.

www.fer-piramide.uz, e-mail: fer\_piramide@mail.ru  
Лицензия № RR 0131.

Хизматлар лицензияланган

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси департаментнинг Чилонзор туман бўлими катта суриштирувчиси Муҳайё Паттаевага падари бузруквори

Эргаш ПАТТАЕВнинг


вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади



## Олимпия термамиз 3-саватчада

Осиё футбол конфедерацияси 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпиони финал босқичи учун ўтказилган қўрадан аввал жамоаларни саватчаларга ажратди. Унга кўра, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 3-саватчадан ўрин оладиган бўлди. Ушбу саватчадан, шунингдек, Сурия, Эрон, КХДР жамоалари ҳам жой олишди.

Саватчалар куйидагича кўриниш олган:  
1-саватча: Қатар, Ироқ, Саудия Арабистони, Иордания  
2-саватча: Жанубий Корея, Австралия, Япония, БАА  
3-саватча: Сурия, Эрон, КХДР, **Ўзбекистон**  
4-саватча: Таиланд, Хитой, Вьетнам, Яман  
Эслатиб ўтамиз, қўра ташлаш маросими шу йилнинг 12 сентябрь кuni Қатарда ўтказилади.



## Рашидов «Ал-Жаиш» клубида

Қатарнинг «Ал-Жаиш» клуби ўзбекистонлик футболчи Сардор Рашидов билан шартнома имзолангани ҳақида расмий хабар тарқатди. Ҳамюртимиз аввал тиббий кўрикдан ўтди ва шундан сўнг клуб билан 3 йиллик шартномага имзо чекди.


Қатар клуби раҳбари Юсуф Дасмал Куварий ўзбекистонлик ҳужумчи «Ал-Жаиш» сафида муваффақиятга эришишига умид билдирди.

«Янги мавсум бошланишидан аввал сафимизни яхши ўйинчи билан кучайтирдик. Рашидов жуда яхши футболчи. Жамоамизнинг франциялик бош мураббийи Сабри Моше унинг ёрдамида ҳужум чизимини яна кучайтиради, деб ўйлайман».

Сардор Рашидов тез кунда матбуот анжумани орқали кенг жамоатчиликка таништирилади.

«Ал-Жаиш» клуби август ойдан бошлаб Қатар юлдузлар лигасининг янги мавсумида иштирок этади. Февраль ойида эса Осиё чемпиони лигасининг саралаш босқичидан иштирокини бошлайди.

## Рафаэл «МЮ»ни тарк этади



Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби ҳимоячиси Рафаэл ёзги трансфер вақтида катта эҳтимол билан клубни тарк этади. Клуб бразилиялик футболчи бўйича таклифларни кўриб чиқишни бошлаган.

Рафаэлга Туркиянинг «Галатасарой», Италиянинг «Наполи» ва «Фиорентина» клублари қизиқиш билдиришгаётгани хабар қилинмоқда.

Эслатиб ўтамиз, якунига етган мавсумда Рафаэл манкуниликлар таркибидан 11 та ўйинда майдонга тушиб, 1 та голли узатмага муаллифлик қилган.

## Пирло АҚШга йўл олди

Италия терма жамоаси ва «Ювентус» клуби ярим ҳимоячиси Андреа Пирло ўз фаолиятини «Нью-Йорк Сити»га давом эттирадиган бўлди.



Турин клуби 36 ёшли футболчи билан шартноманинг ўзаро қилинган ҳолда бекор қилингани ва унинг АҚШ олий лигаси (МЛС)га кетганини маълум қилди.


Аввалроқ Пирло АҚШда йилга 5-6 млн. доллар маош олиши маълум қилинган.

Эслатиб ўтамиз, Пирло «Ювентус» клуби сафида тўрт мавсум давомида тўп сурди.

## Бэйл голф бўйича мусобақа голиби

Мадриднинг «Реал» клуби ярим ҳимоячиси Гарет Бэйл голф бўйича Celebrity Cup мусобақасида голиб чиқди.

Мусобақа машҳур инсонлар ўртасида ўтказилади ва қаторасига учинчи йил Шотландияда бўлиб ўтмоқда. Бэйл актёр Роб Брайдон билан биргаликда Уэльс шарафини ҳимоя қилди ва якунда голибликни қўлга киритди.



## Чили терма жамоаси Америка кубогини қўлга киритди

Чили терма жамоаси ўз майдонларида бўлиб ўтган Америка кубоги мусобақасида голибликни қўлга киритди. Улар финалда Месси сардорлигидаги Аргентина терма жамоасини пенальтилар сериясида мағлуб этиб, бош саврингга эга чиқишди.

Чили терма жамоаси шу пайтга қадар қитъа кубогига тўрт бора финалга етиб бorgan ва уларнинг барчасида мағлуб бўлган эди. Бу сафар эса ўз мамлакатида ўтказилган Америка кубогига бундай муваффақиятсизликларга чек қўйишди.

Чилиликлар юлдузли таркибга эга бўлган Аргентинага қарши баҳсни анча фаол ўтказишди. Айниқса, улар ўйин бошида катта иштиёқ билан ҳаракат қилишди. Биринчи бўлим ўрталарида Анхель Ди Мария кутилмаганда жароҳат олиб, майдонни тарк этиши Мартино жамоаси ўйинига таъсирини ўтказмай қолмади.

120 дақиқа давом этган ўйинда ҳимоячилар ва дарвозабонлар яхши ҳаракат қилишди. Чили футболчилари Мессини яхши ёпа олишди. Леонинг финтлари бу сафар иш бермади.

Пенальтилар сериясига яхши тайёргарлик кўрган Чили рақибни доғда қолдирди. Аргентиналиклардан Месси ўз зарбасини голга айлантирган бўлса, Игуаин ўта ноаниқ зарба берди. Банеганинг зарбасини Клаудио Браво қайтарди. Мезбонларнинг барча тўрт нафар футболчилари тўпни дарвозага аниқ жойлашди.

Натижада Чили ўз тарихида илк марта Кopa Американи қўлга киритди. Жамоа 2017 йили Россияда бўлиб ўтадиган Конфедерациялар кубогига иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Америка кубоги, финал  
ЧИЛИ — АРГЕНТИНА — 0:0  
Пенальтилар серияси: 4:1.

## Роналду сотиб юбориладими?



Мадриднинг «Реал» клуби президенти Флорентино Перес дам олиш кунлари Қатарга бўли, дея хабар беради France Football.

Манбада келтирилишича, мадридликлар раҳбари Франциянинг «ПСЖ» клуби ҳўжайинлари билан учрашган ва ҳужумчи Криштиану Роналдунинг трансферини муҳокама қилган бўлишлари мумкин.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ УЕФА «ПСЖ» клубидан молиявий тақиқларни олиб ташлагани ҳақида хабар қилинган эди.

## Арда Туран «Барселона»да

«Барселона» футбол клуби Мадриднинг «Атлетико» клуби ярим ҳимоячиси Арда Туран билан шартнома имзолагани ҳақида расмий хабар тарқатди.

Каталонияликлар турк футболчиси учун «Атлетико» клубига 34 миллион евро тўлашган. Арданинг ўзи билан эса 5 йилга мўлжалланган шартнома расмийлаштирилди. Шу боис, Туран муҳлислар билан хайрлашди.

«Бу менинг ҳаётимдаги ажойиб тўрт йил сифатида эсимда қолади. Мазкур вақт ичида мен «Атлетико» билан кўплаб ҳаяжонли дақиқаларни бошимдан ўтказдим. Ҳеч қачон жамоадoshларим ва муҳлисларини унутмайман. Ҳаммага хайр ва сизлардан миннатдорман», — дейди Туран.

Айтиш лозимки, «Барселона»га қўлланган тақиқ тудайли Туран келгуси йилнинг январига қадар янги жамоаси таркибига майдонга туша олмайди.



Интернет хабарлари асосида Максудали ҚАМБАPOВ тайёрлади

**Huquq**  
yuridik gazeta

Muassis:  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir:  
**Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV  
Gulnoza RAHIMOVA

Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
233-10-53,  
233-64-85

E-mail:  
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning paryshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda ko'rsatilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko' chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
□ — tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma s-3373, 43 402 nusxada bosildi.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV  
Navbatchi: O'.DEHONOV

Bosmexonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida.  
2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
ISSN 2010-7617

9 772010 761004